

АНОРГУЛ КАЛДЫБЕКОВА

БЕГЗОД ХОДЖАЕВ

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИШ ФАОЛЛИГИНИ

ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

ТОШКЕНТ - 2006 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

А.С.КАЛДЫБЕКОВА
Б.Х. ХОДЖАЕВ

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИШ ФАОЛЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ
(МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА)

ТОШКЕНТ – 2006

Мазкур қўлланмада билиш фаоллиги масаласи ҳамда ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш йўллари баён этилган.

Қўлланма, асосан мактаб ўқитувчилари учун мўлжалланган. Шунингдек, ундан барча таълим соҳасида хизмат қилаётган мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Такризчилар:

педагогика фанлари доктори, профессор	Мунаввар Тўхтаҳўжаева,
педагогика фанлари номзоди, доцент	Светлана Аминовна,
Сергели тумани ХТБ метод кабинет мудири	Фарида Файзы

МУНДАРИЖА

Кириш	5
1.Билиш ижтимоий тажрибани ўзлаштиришнинг асоси	7
2.Таълим-билиш фаоллигини оширишнинг асоси	13
3.Билиш фаоллигини ошириш йўллари	26
4.Тарих дарсларида ўқитишнинг интерфаол методлари	
ёрдамида билиш фаоллигини ошириш тажрибасидан	55
Хулоса	79
Адабиётлар рўйхати	81

Мустақиллигимизнинг ўн беш
йиллигига бағишланади.

КИРИШ

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг ривожланиши унинг интеллектуал салоҳиятига боғлиқ. Интеллектуал салоҳият халқаро андозалардаги замонавий тараққиётни таъминлай оладиган мустақил фикрли, малакали, билимли, юксак инсоний фазилатларга эга кадрларнинг мажмуидир.

Давлатимиз эса мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунларданок интеллектуал салоҳияти юқори кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган давлат сиёсатини юритиб келмоқда. Бу йўлда амалга оширилган асосий вазифалардан бири мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришга асос бўладиган янги таълим тизимининг ташкил этилишидир. 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” уни амалга ошириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига”¹ мувофиқ, таълим тизимининг асосий бўғини – бу умумий ўрта таълим эканига гувоҳ бўламиз. Ҳақиқатдан ҳам, мактабда олинган билимгина касбий билимларни эгаллаш учун замин бўла олади. Бу ўринда мактабнинг энг муҳим вазифаси – ўқувчиларнинг илмий билимларни чуқур ва пухта ўзлаштириш, уларни амалиётда қўллаш малака ва кўникмаларни ишлаш, илмий дунёқараш ва ахлоқий-эстетик маданиятни шакллантиришга эришишдан иборат.

Ахборотлар жадаллик билан интеграциялашиб бораётган ҳозирги даврда замонавий таълимнинг асосий вазифалардан бири атроф-олам воқеа-ҳодисаларини билиш орқали мустақил таҳлил қила оладиган шахсни камол

¹ Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори Т., “Шарқ”, 1998, 38 – 40-бетлар.

топтиришда намоён бўлади. Бу мақсадга, албатта, ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириб бориш орқали эришиш мумкин. Чунки инсон ҳамиша ўзини қуршаб турган олам ҳақида тобора кўпроқ билишга интилиб келган.

Фикрнинг билмасликдан билишга қараб, тўла ва мукаммал бўлмаган билимдан тўла ва мукаммал билимга қараб ҳаракат қилишдан иборат чексиз жараён билиш деб аталади. Бу таъриф эса унинг тафаккурлаш, англаш, фикр юритиш билан бевосита боғлиқлигини кўрсатиб турибди. Яъни билиш – бу аввало фикрлаш, оламни бевосита англашдир.

Тарих фани ҳам бошқа мактаб фанлари сингари ўқувчиларнинг билиш фаоллигини оширишда жуда катта имкониятларга эга. Иккинчи томондан, инсон аجدодлар томонидан қолдирилган меросни ўзлаштириш орқали ҳаётни теран тушуна борганлиги сабабли бошқа фанлардан фарқли ўлароқ, қулай имкониятларга эга. Ана шундай ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиб биз ушбу қўлланмада тарих фанини ўрганиш орқали ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш масаласини баён этдик. Бироқ бу биргина жиҳат ундан фойдаланишни чегаралаб қўймайди. Ушбу қўлланмадан умумий ўрта таълим соҳасида ишлаётган барча ўқитувчилар бирдай фойдаланиш имкониятига эгадирлар.

I. БИЛИШ – ИЖТИМОЙ ТАЖРИБАНИ ЎЗЛАШТИРИШНИНГ АСОСИ

Инсоният азал-азалдан ўзини қуршаб турган алам ҳақида тобора кўпроқ нарсаларни билишга интилиб келган. Бу эса йиллар ўтиб бориши билан янгидан-янги, мураккаб ихтиро ва кашфиятларни яратилишига олиб келмоқда. Бугунги кунгача инсоният томонидан яратилган барча ихтиролар уларнинг оламдаги нарса ва ҳодисаларни билмасликдан билишга қараб, кам билишдан тобора кўпроқ билишга томон бўлган эҳтиёжлари, қизиқишлари, ҳамиша интилиб яшашга ундаган бу жараён – билиш жараёнининг нима эканлигини тўла англаб олиш жуда муҳимдир.

Билиш нима? Билиш – моддий оламнинг инсон онгида инъикос этиш жараёнидир. Яъни:

- объектив олам бизнинг сезги ва тасаввурларимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда ундан ташқарида мавжуд. Объектив олам инсон сезги ва тасаввурларнинг манбаи;
- инсон дунё ва унинг ривожланиш қонуниятларини билиши мумкин.

Инсон сезги, тасаввур ва тушунчаларида ўзига боғлиқ бўлмаган ташқи олам мазмунини инъикос эттиради.¹

Билиш тафаккурнинг билинаётган предметга яқинлашуви, фикрнинг билмасликдан билишга қараб, тўла ва мукаммал бўлмаган билимдан, тўла ва мукаммал билимга қараб ҳаракат қилишдан иборат чексиз жараённи ташкил этади. Билиш эскириб қолган назарияни янги назариялар билан алмаштириб эски назарияларни янада аниқлаб, олға қараб боради ҳамда воқеликнинг тобора янгидан-янги томонларини очади.

Билиш икки босқичдан: жонли мушоҳада (сезиш) ва мавҳум тафаккур (фикрлар)дан иборатдир.

¹ Туленов Ж. Фалсафа. Т., 1994, 229-бет.

Билишнинг бошланғич босқичи жонли мушоҳада, яъни объектив дунёнинг буюмларини бевосита сезги аъзолари ёрдамида акс эттиришдир.

Ибн Синонинг фикрича, “сезиш – бу шундай таъсирки, у ташқи нарсаларнинг ўзи бўлмай, балки бизнинг ҳисларимизда вужудга келади. ҳис моддий образнинг ойнаси бўлиб, моддий шакллarning бўйи, эни билан бирга ифодаланганлиги сабабли, уларни инсон моддий асоссиз инъикос эта олмайди ва жисмларни билолмайди”.¹

Файласуфларнинг таъкидлашича, жонли мушоҳаданинг билишдаги роли муҳимдир, уни ёрдамида дунё ҳақида аниқ билимлар келиб чиқади. Лекин билишнинг бу босқичи маълум даражада чекланган. Бу босқичда нарсa ва ҳодисаларнинг баъзи бир томонлари ва хусусиятларинигина билиб олиш мумкин.

Мавҳум тафаккур ҳиссий билишдан сифат жиҳатдан фарқ қилади. У бевосита аниқ битта предметдан узоқлашиб, бир нечтасига хос бўлган умумийликнинг моҳиятини очиб беради. Бундан ташқари сезги образлари ташқи оламнинг инъикосидир, яъни ташқи олам сезгимизга қандай таъсир қилса, шундайлигича акс этилади. Тафаккур образларида эса бошқачарoқ, унда ташқи оламнинг ички моҳияти, алоқа ва боғланишлари ҳамда ривожланиш қонун ва қонуниятлари акс этади. Фалсафага доир китобларда тафаккур образларининг учта асосий хусусияти ажратиб кўрсатилади:

1. Тафаккур образлари мавҳумлик хусусиятга эга, яъни тафаккур образлари ҳосил бўлиши учун ифода қилинаётган ташқи олам бевосита кўз олдимизда бўлиши шарт эмас.
2. Тафаккур образлари умумлашган хусусиятга эга. Умумлаштириш эса бизга таъсир этаётган нарсa ёки ҳодисанинг барча сифат ва хусусиятларидаги муҳим бўлмаган иккинчи даражалиларни четга суриб, асосий томонларини таққослаш ва фикран бир-бири билан боғлашдир.

¹ Туленов Ж. Фалсафа. 231 – бет.

3. Тафаккур образлари тил билан боғлиқдир. Билиш жараёнида пайдо бўлаётган ҳар бир тушунча тил орқали рўёбга чиқадиган онг омилидир.

Билишнинг фалсафий талқинига асосланиб, унинг педагогик-психологик талқинига эътибор қаратамиз.

Билиш-психологик акс этиш жараёни, билимлар ҳосил бўлиши ва ўзлаштирилишнинг таъминловчиси¹. Билиш психик билиш жараёнлари орқали амалга ошади: сезги, идрок, диққат, тасаввур, хотира, тафаккур, хаёл, нутқ. **Билишнинг мақсади эса холис ҳақиқатга эришиш бўла олади. Билишнинг вазифаси – умумий тарзда жамият ривожининг муҳим жиҳатларини очиб беришдан иборат.** Бу эса амалий фаолият натижасида яъни билишнинг иккинчи даражасини келтириб чиқаради. Ҳиссий ва мантиқий билишни бир қаторда қўйиш мумкин ҳолда, уларни бир-биридан ажратган ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки улар бир-бирига ўтади, шу билан бирга, бир-бирини тўлдириб туради. Билиш жараёни олдиндан билиш, хаёл қилиш, тахмин қилиш каби фикрлаш фаолияти билан қўшилиб амалий фаолиятда олдин қўлга киритилган ютуқларга, билимларга таяниб нарсаларнинг кейинги ривожини аниқлаш имконини беради.

Энди эса, фаолият тушунчасига аниқлик киритишимиз зарур. Чунки биз юқорида билиш нима эканлигини ҳам фалсафий, ҳам психологик таърифини беришга ҳаракат қилдик.

Агар ҳайвонларнинг ҳатти-ҳаракати бутунлай атроф-муҳит билан чамбарчас боғланса, кишининг фаоллиги унинг илк ёшлариданок бутун инсоният тажрибаси ва жамият талабларига кўра йўналтириб борилади. Ҳатти-ҳаракатнинг бу тури шу қадар ўзига хосликка эгаки, психологияда уни аташ учун махсус атама – фаолият атамаси қўлланилади. Фаолият эҳтиёж, мотив (сабаб)лар асосида келиб чиқиб маълум бир мақсадга йўналган бўлади. Педагогик ва психологик адабиётларда фаолият тушунчасига шундай таъриф

¹ Қаранг: Современный словарь по педагогике Мн., 2001, с. 591.

берилади: **фаолият – кишининг анланган мақсад билан бошқарилиб туриладиган ички (психик) ва ташқи (жисмоний) фаоллигидир**¹.

Фаолият – воқеликка нисбатан фаол муносабат билдиришнинг шундай бир шаклидирки, у орқали киши билан уни қуршаб турган олам ўртасида реал боғланиш кишиларга таъсир кўрсатади.

Билиш ҳам ана шундай фаолият турларидан бири бўлиб, ижтимоий тажрибани ўзлаштиришнинг асоси, маҳсулидир. Инсоннинг ақл кучи ҳақида, унинг мураккаблиги тўғрисида кўплаб афсона ва китоблар ёзилган. Кундан-кунга инсоннинг бутун қудрати янгидан-янги далилларга олиб келмоқда. Инсон ўз ҳаётининг биринчи даврида, яъни болалигида эса – дунёдаги энг ёрдамга муҳтож жонзотдир.

Агар бир инсон боласини ҳаёт йўлини таҳлил қиладиган бўлсак, ўзига хос тарихий даврлар кўз олдимизда намоён бўлади. Буни инсоният тарихини даврлаштириш билан таққослайдиган бўлсак, одамзот тарихининг боши – ибтидоий жамоа тузуми билан унинг болалик даври ўртасида ўхшашликни яққол кўрамиз. Ибтидоий жамоа тузуми инсоният тарихининг қарийб тўқсон фоизини (90%) қамраб олса, одамзотнинг болалик даври унинг ҳаётининг 25% (йигирма беш фоизини) ташкил этар экан. Машҳур педагог-психолог олим Н.Ф.Талызина бу жиҳатдан ҳайратланиб, нега инсоннинг болалиги шундай узоқ давом этиши ҳақидаги саволни кўндаланг кўяди. Ҳақиқаттан ҳам, ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега инсоннинг болалиги шундай узоқ давом этади. Бу саволга ҳар ким турлича жавоб беради. Кимдир табиат қонуни дея изоҳласа, яна кимдир Яратганнинг каромати билан боғлайди. Биз эса бу борада чуқур тадқиқот олиб борган олимларнинг тадқиқотларига асосланиб мулоҳаза юритамиз. Олимлар бу саволни ечимини одамзот ҳаётини ҳайвонот олами билан таққослаб топишга ҳаракат қилганлар. Ҳаммага яхши маълум, қарға 200-300 йил яшайди, болалиги эса ҳаммаси бўлиб бир неча ойнигина ўз ичига олади. Бошқа қушлар ва ҳайвонлар ҳам одатда ҳаммаси бўлиб бир неча

¹ Умумий психология. Т., “Ўқитувчи”, 1992, 104 – бет.

ойдан сўнг болалигини ўзининг ҳайвонот дунёсида мустақил ҳаёт тарзига алмаштиради. Инсон болалиги эса йиллар, ўн-ўн бир ёшларгача бўлган даврни ўз ичига олади. Кўпинча жамиятга фойда келтирадиган тарзда тайёрлаш фаолияти инсон ҳаётининг чорак қисмини эгаллайди. Тадқиқотлардан маълумки, жониворларда аجدодлари томонидан эгалланган тажриба, авлодларга нерв механизмлари ёрдамида тайёр ҳолда кўчиб ўтади, яъни мерос қолдирилади. Жониворлар тайёр хулқ-атвор нормалари билан туғилади, унга ҳаёт давомида орттирилган тажриба бу нормаларни аниқ шароитлардагина қўллаш олиш учун керак бўлади. Инсон эса тажрибани мерос сифатида қабул қилмайди, унинг тараққиёти биологик жиҳатга қарам бўлиб қолмайди, аксинча ижтимоий ҳаёт тарзидагина шаклланади, уларсиз инсон мавжуд бўла олмайди. Бу ҳақида ҳайвонлар орасида ўсган болалар ҳақидаги воқеалар яққол далолат беради. Улардан бири ҳақида француз файласуфи Э.Кондильяк ҳам ўзининг “Сезгилар ҳақида трактат”ларида ёзиб қолдирган. У литвалик айиқлар орасида яшаган бола ҳақида ёзади. Бола гапира олмайди, ҳеч қандай ақл-заковатга эга эмас, ғалати товушлар чиқаради, умуман, инсонга ўхшамайди ¹.

Бу ҳақида кўр-сақов туғилганлар устида олиб борилган кузатишлар ҳам гапиришга имкон беради. Агар бундай болалар билан махсус иш олиб борилмаса, у ҳолда ўзи ўтиришни ўргана олмайди, юра олмайди ҳамда гапириш, фикрлаш, инсон фаолиятининг мураккаб шаклларида қатнашиш имкониятига эга бўла олмайди. Қачонки шундай кўриш, эшитиш қобилиятисиз туғилганлар мактабга борганда, у ҳолда улар билан иш оддий ҳаракатлар – ўтириш, туриш, юришни ўргатишдан бошланади.

Н.Ф.Талызинанинг фикрича, буларнинг ҳаммаси ва шуларга ўхшаш фактлар инсон дунёга ҳеч қандай хулқ-атвор шакллари билан дунёга келмаслигидан далолат беради². Унинг тараққиёти ичкаридан тайёр очик эмас йўлдан боради, инсоний қобилиятлар эса гаровга олиниб, у тажриба

¹ Современный словарь по педагогике, с. 172

² Современный словарь по педагогике, с. 172

йўли орқали авлодларга аجدодлар томонидан тўплаб борилади (А.Н.Леонтьев, Н.Ф.Талызина). Инсон ана шу сабабли ўз аجدодларини кифти(елка)сида кўтариб юради, уларнинг кўп асрлик тажрибаларидан фойдаланади. Инсон тайёр мантикий фикрлаш билан туғилмайди, тайёр дунё ҳақидаги билимларга ҳам эга бўлмайди. Лекин у бошқатдан мантикий фикрлаш қонуниятларини, маълум жамият-табиат қонунларини кашф этмайди. Буларнинг ҳаммасини у ҳаёт жараёнида ўзлаштиради. Инсон тайёр ҳолда тарихий билимларга ёки мусиқа чала олиш қобилиятига эга бўлиб туғилмайди: у уларни ўтмиш дунёсига, мусиқа оламига фаол кириб бориш орқали эгаллаши мумкин.

Агар бола кейинчалик тарих фанини ўрганишда ўзининг шахсий ҳиссасини қўшса, билингки, бу сабабсиз юзага келмаган. Унда тарихий билимларни ўрганишга қизиқиш ҳосил қилинган. Бу дастлаб болада ота-онанинг ёрдами билан амалий фаолият жараёнида ўзлаштирилса, сўнгра махсус кишилар – ўқитувчилар кўмагида ривожланиб боради. Мактабдаги таълим йиллари – бу инсоният тажрибасининг илмий, ахлоқий, эстетик ва бошқа шакллари ўзлаштириш учун катта аҳамиятга эга бўлган ёш давридир. Боланинг келажаги ҳам ана шу ижтимоий тажрибани ўзлаштирганига, қандай ўзлаштирганига боғлиқ бўлади.

П. ТАЪЛИМ – БИЛИШ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИ

Ҳатто энг қобилиятли инсоннинг боши ҳам яхши таълимсиз ҳеч нарса эмас, деган гапда жон бор. Бироқ инсонга шундай таълимни таъминлаш учун уни яхши ўқитиш, бу каби ўта муҳим педагогик жараёни тўғри амалга ошириш керак.

Ўқувчиларнинг таълим жараёнида ривожланиши тўғрисида тўхталар экан, америкалик психолог Дж.Брунер шундай ёзади: “Биз фанларни дунёга кичик жонли кутубхоналарни келтириш учун ямас, балки ўқувчининг ўзини математик фикрлаш, муаммоларни тарихчи мисоли ўрганиш, билим олишда иштирок этишга ўргатиш учун ўқитамиз. **Билиш – бу жараён, маҳсул эмас**”¹.

Маълумки, билиш фаолиятининг субъекти ўқувчи саналади, шу боис ижтимоий-педагогик асосларга эга бўлган таълим марказида унинг шахси, унинг онги, унинг ҳам ўрганилаётган оламга, ҳам билиш фаолиятидаги ҳамкорларига: ўқувчилар ва унинг таълим олишини ташкил этувчи ва йўналтирувчи ўқитувчиларга муносабати ётади. Бу масала барча даврларда бирдек аҳамият касб этиб келган. Айниқса, Уйғониш даври Шарқ мутафаккирлари таълим жараёни, ўқитиш, таълим беришда ўқитувчи ҳамда ўқувчилар ўртасидаги муносабат масаласига алоҳида эътибор қаратишган. Жумладан, ибн Сино таълим жараёни ҳақида гапирар экан, таълимда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлайди:

- болага билим беришда бирданига китобга банд қилиб қўймаслик;
- таълимда енгилдан оғирга бориш орқали билим бериш;
- олиб бориладиган машқлар болалар ёшига мос бўлиши;
- ўқитишда жамоа бўлиб мактабда ўқитишга эътибор бериш;
- билим беришда болаларнинг майли, қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиш;

¹ Цитата по книге: Малькова Е. А. Современная школа США – 86.

- ўқитишни жисмоний машқлар билан қўшиб олиб бориш¹.

Беруний эса ўқувчига билим беришда:

- ўқувчини зериктирмаслик;
- билим беришда бир хил нарсани ёки бир хил фанни ўргатавермаслик;
- узвийлик, изчиллик;
- янги мавзуларни қизиқарли, асосан, кўргазмали баён этиш кераклигини уқтиради.²

Ушбу фикрлардан маълум бўлади-ки, таълим жараёни ўқитувчининг ўргатувчилик фаолиятини ва ўқувчиларнинг махсус ташкил этилган билиш фаолиятини ўз ичига олади. Шу ўринда бу жараёнларнинг таҳлилига эътибор қаратайлик.

Таълимда **ўқитувчининг бошқарувчилик роли** ўз касбининг ижтимоий асосларидан келиб чиқиб, аждодларнинг бой тажрибасини, инсониятни асрлар давомидаги билиш, меҳнат, мулоқот, умумий алоқалар, эстетик ҳамда ахлоқий қарашлар жараёнида қўлга киритган ютуқларини эгаллашни шарт қилиб қўяди.

Буларнинг барчаси ўқитувчининг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи вазифаларни амалга оширишда ўз аксини топмоғи лозим. Ана шу асосдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, таълим жараёнида ўқитувчи ўз ўқувчиларига қўлга кириитилган билимларни ўргатади, ўқув фаолиятида уларни малака ва кўникмалар билан қуроллантиради. Шу билан бир пайтда у ўқувчиларда дунёқараш ва ахлоқ нормаларини ҳосил қилади, қизиқиш ва қобилиятларини шакллантиради, уларнинг билиш фаоллигини оширади. Ўқитувчининг фаолияти ўқувчи шахсининг мақсадга мувофиқ шаклланишга катта имкониятлар очиб беради. Яна-да, аниқ қилиб айтган-да, бутун ўқув жараёнини **режалаштиради**, ушбу жараёнда ўқувчилар билан биргаликдаги фаолиятни **ташкил этади**, ўқувчиларга қийинчиликларни енгиб ўтишда

¹ Анталогия педагогической мысли. М., «Педагогика», с. 84 – 86

² Анталогия педагогической мысли. М., «Педагогика», с. 59 – 63

ёрдам беради ҳамда уларнинг билимларини ва бутун таълим жараёнини **ташхис қилади**.

Ўз навбатида ўқувчиларнинг фаолияти ўқув жараёнида ўрганишга, билим, малака ҳамда кўникмаларни эгаллашга, ўзини жамиятда фойдали фаолиятга тайёрлашга йўналтирилади. Таълим жараёнида ўқувчиларнинг фаолияти кўпқиррали йўналган ҳаракатни ифодалайди ва бу ҳаракат билишга доир вазифаларни ҳал қилишда уларга катта ёрдам беради.

Таълимда ўқувчиларнинг фаолияти ҳақида гап борганда, ўқувчининг **билиш фаоллиги** тушунчаси алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқувчининг билиш фаоллиги унинг билиш жараёнидаги интеллектуал мулоҳазасида, умумий ва алоҳида топшириқларни бажаришда намоён бўлади. Бу хусусиятлар ўқувчининг фақатгина юқори даражадаги билим олишини кафолатлабгина қолмай, балки унинг ҳаётий фаолияти, яъни ўқувчи шахсининг шаклланиши, унинг амалиётга, ҳаётга бўлган фаол муносабати учун характерлидир. Шу сабабли **билиш фаоллигини ошириш инсоннинг фаол ҳаётий қарашларини шакллантириш** деб бемалол айтиш мумкин.

Ўқувчининг билиш фаолиятининг яна бир фарқли хусусияти унинг кечиш характеридир. Ўқувчининг билиш фаолияти мақсади ҳам, мазмуни ҳам, усуллари ҳам дастурга киритилганлиги боис ўқувчи жалб этиладиган таълим жараёни турлича кечиши; субъект (ўқувчи) кучи, фаоллиги, мустақиллиги турлича сарф этилиши билан бориши мумкин. Айрим ҳолларда унинг жараёни тақлидий, репродуктив, бошқаларида – изланишли, учинчиларида ижодий характерга эга бўлиши мумкин. Айнан фаолият жараёнининг кечиш характери унинг охирги натижаси – эгалланган билим, малака, кўникмалари характерига таъсир этади.

Ўқувчининг билиши, худди етук илмий билиш йўли каби ҳақиқат ўқувчи томонидан фандаги фактлар, илмий кашфиётларни ўрганиш, уларнинг тарихий йўлини ўзлаштириш ёрдамида кечади. Инсониятнинг

умумлаштирилган билимлари тизими таълим давомида ўқувчилар томонидан ўзлаштирилади ва улар илмий ҳақиқат ташувчиларига айланадилар.

Инсоннинг асл ижтимоий мулки сифатида фаолиятининг муҳим белгиси фаолият субъектининг атроф-муҳит билан ўзаро таъсири ва маълум бойликлар яратувчи фаолиятнинг қайта яратувчи характеридир. Ўқувчиларнинг таълим муассаси (мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежи)даги билиш фаолиятининг хусусияти шундаки, унинг натижаси ҳамма вақт ҳам моддийлашган “маҳсул”га эга эмас ва ўқувчининг ўзи уни ҳамма вақт ҳам ҳис этмайди – жавоби учун ёмон баҳо олган ўқувчининг хафа бўлиб, “мен ўқидим ўргандим! Адолатдан эмас” деган фикрни қатъий такрорлаши бежиз эмас.

Фаолият мақсадлари, унинг мақсадли фаразлари таълимнинг узок муддатли жараёнини белгилайди, унинг ижтимоий йўналганлигини объектив ифодалайди ва унинг пировард натижаларини белгилаб беради. Шу билан бирга исботланганки субъектив тарзда бу мураккаб ва ўқувчининг тажрибасидан узок бўлган мақсадлар ҳамма вақт ҳам англаб етилмайди ва ўқувчининг ўзи фаолият субъекти сифатида мақсадларни бевосита ташувчи бўлмайди. Ўқишнинг ижтимоий йўналганлиги ўқувчининг фаолияти билан белгиланади, ўқувчи қанчалик ёш бўлса, бундай белгиланиш даражаси юқори бўлади.

Бу жараёни билиш босқичларидан иборат бўлган таркибий қисмларга (ёки бўғинларга) ажратиш мумкин. Ўқувчи билмасликдан билишга қараб, тўла ва мукаммал бўлмаган билимдан тўла ва мукаммал билимга ўтиши лозим.

Ўқитиш жараёни тўртта асосий бўғинлардан ташкил топган:

- 1) ўзлаштирилиши лозим бўлган маълумотни идрок қилиш;
- 2) уни фаҳмлаб олиш, тушунчаларнинг ҳосил бўлиши;
- 3) билимларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлиши;

4) ҳосил қилинган кўникма ва малакаларни амалда қўллаш.

Бу бўғинлар ўқувчиларнинг маълум бир йўналишдаги билиш фаолияти билан боғланган бўлиб, у ўқитувчининг бошқарувчилик қобилиятини тақозо этади.

Ўрганилаётган маълумотни идрок этиш. Бу бўғиннинг вазифаси – ўрганилаётган объект ҳақида тасаввур ҳосил қилиш. Тасаввурнинг ҳосил бўлиши эса, билиш вазифасининг тўғри қўйилишини талаб қилади. Яъни, ўқувчи: нимани билиши, нима учун билиши, қай тариқа билиб олиши лозим. Билиш вазифаларини қўйиш билан бир вақтда **ўқувчида билишга бўлган қизиқиш ва эҳтиёж ҳосил қилинади.**

Билишга қизиқиш ўқишнинг энг муҳим ва энг қимматли мотиви сифатида боланинг мактабга, дарсларга, ўз билиш фаолиятига нисбатан ижобий муносабатига кўмаклашади.

Ўқувчининг билишга қизиқиши мотив сифатида ривожланишнинг узок йўлига эга бўлиши мумкин: айрим ўқув ҳаракатлари таъсирчисидан то бутун фаолиятининг устивор мотивигача. Ҳатто ўқишнинг етакчи мотивларидан бирига айланиб, қизиқиш шахснинг маънавий бойишига кўмаклашувчи умумий йўналганлигининг аҳамиятли қисмига айланиши мумкин. Ҳар қандай мотив сингари билишга қизиқиш ажралган ҳолда ривожланмайди, унинг тикланиши бошқа мотивлар билан бирга кечадики, қизиқиш улар билан бойийди ва уларга ижобий таъсир этади.

Билишга қизиқишнинг **ижтимоий** мотивлар билан ўзаро алоқаси жиддий бўлиб, улар орасида ўқитувчи ва ўқувчилар билан мулоқот алоҳида роль ўйнайди. Ижтимоий мотивлар кенг, узоклашган, истиқболли, уларнинг лисоний ифодаси бошланғич синфлардаёқ пайдо бўлади (“маълумотли бўлишни истайман”).

Ахлоқий мотивлар – жуда муҳим гуруҳ. Уларда шахс шаклланишининг жиддий жиҳатлари – унинг, аввало, одамларга, фаолиятга, ўзининг

жамиятдаги ва жамоадаги ўрнига нисбатан ахлоқий муносабатлари ифодасини топади.

Мулоқот мотивлари – яна бир гуруҳ. Ўқувчиларни ўқишга реал ундайди, умуман мактабга ижобий муносабат замирида ётади.

Ўқув мотивлари – соф шахсий тузилма, бироқ улар предметлар дунёсидан бошланади (А.Н.Леонтьев), шунчаки ҳосил бўлмайди.

Билиш мотивлари – тобора характерли гуруҳ, зеро у билиш – ўқув предметига бевосита муносабатни ифодалайди. Бунда тобора аҳамиятлиси билишга қизиқиш ва эҳтиёжлар саналади. Ўқувчига “янги нарсани билиш”, “ўзини билимда илгариллашини кўриш”, “илмга шўнғиш” ўзи қизиққан фаннинг назарий асосларини тушуниш жуда қизиқ. Таълимнинг бу мотивларининг реал аҳамиятини ортиқча баҳолаш қийин, айнан улар ўқувчининг ўзини ўқиш учун “кашф ётади”. Билишга қизиқиш ўқувчининг фаоллиги, таълимда мустақиллиги асосида ётади, мактабга умуман муҳаббатни шакллантиради. Билишга қизиқиш ривожланишнинг янада юқори босқичида шахснинг барқарор қирраси, сифати бўлиб, кўпинча биллаш фаолиятига изчил интилиш билан характерланади. Бунда айниқса ўқув материали мазмунидан келиб чиқадиган рағбатлаш ва барқарорлик алоҳида аҳамият касб ётади.

Таълим мазмунининг билишга қизиқишни уйғотувчи рағбатлашларига қуйидагилар киради: ўқув материалининг янгилиги, билимлар мазмунига тарихий ёндашув, уларнинг замонавий фан ютуқларига мувофиқлиги ҳамда амалий аҳамияти. Бу стимулларнинг ҳар бири V – IX синфларда турли фанларда турлича намоён бўлиш даражасига эга бўлиб, қизиқишга алоҳида ажратилган ҳолда эмас, балки бошқалари билан биргаликда таъсир ётади, шу боис ўқувчилар кўз олдида ўзининг барча томонлари кўп қирралилиги билан намоён бўлган таълим мазмуни қизиқиш уйғотишнинг аҳамиятли омили саналади.

Ўқув материали **янгилигининг** қизиқишга таъсири ҳаммага аён. Ўқувчи учун ҳали ўзи кўриб ёки эшитиб билмаган ҳар қандай нарса ва ҳодиса янги ҳисобланади. Ўзи билмаган янги фактлар, ҳодисалар билан танишиб, янги ахборот олиб, ўқувчи табиийки ҳайратланиш, қувониш ҳиссини тўяди.

Ўқув материалини ўрганишда **тарихий ёндашув** билан дарсларда қизиқиш пайдо бўлади. Чунки ҳар бир нарса ва ҳодисалар ўзининг тараққиёт жараёнида маълум бир даврларни босиб ўтган. Бирор бир нарса ёки ҳодиса ҳақида гапирилганда, унинг қандай пайдо бўлганлигини билиш кишида, шу жумладан ўқувчиларда қизиқиш уйғотади. Бу эса айниқса, фанлар тарихидаги янги, номаълум фактлар, олимларнинг ҳаёт ва ижод йўли, илмий характердаги маълумот ҳамма вақт ўқувчиларнинг диққатини ўзига тортади - улар ўқувчиларнинг кўзларига илмий изланишлар даражасига кўтарилади, фан тараққиёти жараёнини ёрқин акс эттиради.

Масалан, дастлабки астрономик билимлар қадимги Мисрда Нил дарёсининг тошиши вақтини билиш асосида келиб чиққанлиги ҳаммага бирдай қизиқ.

Маълумки, Мисрда қишлоқ хўжалиги ишлари бошланишидан аввал Нил дарёси тошади. Бу воқеа ёрқин юлдуз Сириус эрталабки шафақда кўрингандан икки-уч кун кейин содир бўлар эди.

Астрономлар Сириусни кўришлари билан Миср аҳолисини Нилнинг тошиши ва экиш мавсумини бошланиши ҳақида хабардор қилар эдилар. Демак, Нил дарёсининг тошиш мавсумини ҳисоблаш эҳтиёжи Миср астрономиясини яратди.

Ёки одамнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши масаласи ўрганилар экан, унга тарихийлик нуқтаи назаридан ёндашув ушбу масалага қизиқиш ҳосил қилиши, табиий.

Жаҳоннинг етакчи антрополог, археолог ва тарихчи олимларининг фикрича, одамзот оддий мавжудоддан инсон даражасига етиб келгунигача катта тарихий даврни босиб ўтиб камол топади.

Одамзотнинг дастлабки аجدодлари австролопитек (маймун одам) ва зинжантроплар бўлиб, улар ҳали одамдан кўра кўпроқ бошқа жонзотларга ўхшаб кетган. Қаддини тик тутиб юролмаган, онги шаклланиб улгурмаган. Шундай бўлса-да, бу одам аجدодлари тошни ердан териб олиб, бир-бирига уриб меҳнат қуроли ясай олгани учун унга “*homo habilis*” (“ишбилармон одам”) деб ном берилган.

Одамзотнинг кейинги ривожланиш босқичлари питекантроп (“жануб одами” деган маънони англатиб, Индонезиянинг Ява оролидан топилган) ҳамда синантроп (“хитой одами”) бўлиб, улар аста-секинлик билан табиатни ўргана бошлаганлар. Бу эса уларнинг ўзларида ҳам ташқи кўринишларида, ҳам ақлий имкониятларини тобора ўзгаришига олиб келган. Синантроплар табиий оловдан фойдалана билишган.

Неандертеллар (Германиянинг Неандертал водийсидан топилганлиги учун шундай ном билан аталган) эса ҳозирги замон одам босқичига ўтиш даври бўлиб, улар сунъий оловни кашф этишган. Улар гўштни оловда пишириб кабоб еганлар. Қадимги одамлар пишириб истеъмол қилган дастлабки таом бу оловда пишган гўшт бўлган. Неандерталлар нафақат моддий маданиятни, балки содда кўринишга эга бўлган маънавий маданиятни ҳам юзага келтиришган. Улар ов, термачилик ва турли ҳодисалар жараёнида бир-бирларига ниманидир айтишлари заруриятдан келиб чиққан. Бу зарурият одамлар орасида сўзлашувнинг пайдо бўлишига олиб келган. Олимларнинг фикрларига кўра ўликларни кўмиш одати ва дастлабки диний эътиқоднинг куртаклари неандерталлар – қадимги одамлар яшаган даврда пайдо бўлган.

Бундан 40-35 минг йил илгари неандерталлардан – қадимги одамларнинг ривожланиши натижасида кроманьонлар шаклланган. Улар ташқи қиёфалари, жисмоний тузилиши, бош миясининг ривожланганлиги билан ҳозирги одамларга айнан ўхшаш бўлган. Уларнинг онги, тили ривожланган

бўлиб, бир-бирлари билан бурро-бурро сўзлашганлар. Улар “ақл-идрокли кишилар” деб аталганлар.

Бу одамларнинг шаклланиши билан антропогенез (одам ривожланиши) жараёни ўз ниҳоясига етган.

Четлаб ўтиш стимули дарсларда намоён бўлиши даражасига кўра юқори синфларда ортиб боради (V синф – 25%, VI – 25%, VII – 40%, VIII – 48%, IX – 78%). Бу тушунлари ҳол: ўқувчиларнинг билим ва тажрибаси йилдан йилга бойиб боради, ақлий етуклиги энди шунчаки янгини топиш билан қоникмайди. Эски нарсада янгини кўриш, кундалик одатий нарсага оид билимларни чуқурлаштира олиш қобилияти ўз-ўзича ақлий ривожланиш кўрсаткичидир. Билишга қизиқиш учун бу қобилият анча аҳамиятли бўлиб, кузатиш, фикрлаш жараёнлари фаоллигидан далолат беради.

Масалан, VIII синфда ўқитувчи Ўзбекистон тарихи дарсида “Хива хонлигининг ташкил топиши” мавзусини ўргатар экан, ўқитувчи ўқувчилардан Хоразм тарихига оид нималарни билишини сўрайди. Агар ўқувчилар олдинги йилларда бу мавзунини яхши ўзлаштирган бўлишса, албатта Хоразм тарихига оид муҳим воқеаларни изчил баён этиб бера олади. Шу билан бирга, ўқитувчи улардан бу давлат тарихига оид яна нималарни билишни хоҳлашларини сўраши мумкин. Ана шу жараёнда ўқувчилар аввалги билимларига таяниб, янги нарсаларни, воқеаларни билишни истайди ҳамда тобора кўпроқ билишга қизиқиш уйғонади.

Замонавий фан ютуқларини кўрсатиш ҳам билишга қизиқишни қувватлайди ва мустаҳкамлайди, у ҳам ажабланиш, ҳам ҳурмат, ҳам инсон ақлидан ҳайратланиш ҳиссини келтириб чиқаради. Афсус – ҳамма вақт ҳам ўқувчиларнинг билишга қизиқишини мустаҳкамлаш етарлича қўлланилмаяпти. Лекин барча фанлардаги мавзуларни замонавий фан ютуқлари билан боғлаш имконияти мавжуд. Айниқса, тарих дарсларида замонавий фан ютуқларидан фойдаланиш имкониятлари катта. Масалан, 9-синф Ўзбекистон тарихи дарсида “1898 йилги Андижон кўзғолони”

мавзусини ўрганилар экан, албатта қўзғолон иштирокчиларнинг жанговор қуроллари ҳақида тўхталиб ўтиш лозим бўлади. Жумладан, ўқитувчи ўқувчилар ҳукмига шундай маълумотларни ҳавола этади: “1898 йил 17 майда Муҳаммадали эшон қиличлар, ханжарлар, пичоқлар ва найзалар билан қуролланган 500 киши билан бирга Мингтепа қишлоғидан чиқиб Андижон шаҳрига қараб юра бошлади. Қўзғолончилар оддий таёқлар эшон дуоси билан ўт очар милтиққа, белбоғ эса тиг ўтмас қалқонга айланишига ишонишган”. Ўқитувчининг маълумоти бутун ўқувчиларнинг кўз ўнгида ўша давр билан бир пайтда бугунги кун ҳарбий техникаси, қурол-яроқларини яққол гавдалантиради. Ўқитувчи эса ана шу жиҳатни ҳисобга олиб, уларда замонавий жанговор қуроллар ҳақида тасаввур ҳосил қилиши лозим.

Билимларнинг **амалий** роли таҳлили, тадқиқотчилар маълумотларига кўра, билишга қизиқишнинг, айниқса, кичик ўспиринларда ривожланиши учун анча долзарб саналади, зеро билиш ва тажриба етишмаслиги боис кичик ўспиринлар ўқув материалининг назарий аҳамиятининг тўлақонли баҳолай олмайди. Олинган билимларни амалда қўллаш имконияти улар учун жуда катта рағбатлантирувчи аҳамиятга эга. Таълимнинг турли йиллари ва босқичларида стимул турлича намоён бўлади ва унинг ўқувчиларнинг индивидуал қизиқишларига таъсири ҳам турлича. Билимларнинг назарий эмас, балки амалий характериға мойил айрим ўқувчилар таълим мазмунини айти шунда кўрадилар: “Мен физикани ёқтирмайман, унда радиоприёмникни тайёрлаш ҳақида маслаҳатлар йўқ. Лекин менда техникаға оид китоблар кўп...” – кичик ўспиранларнинг айрим фикрлари шу кабидир.

Шунинг учун биз тарих дарсларида билимларни амалиётға тадбиқ этиб боришға ҳаракат қиламиз. 6 – синфда “Ўрта Осиё халқларининг аҳамонийлар босқинига қарши курашлари” тарихи ўрганилаётганда, ролли ўйинларнинг ташкил этилиши ўқувчиларнинг билишға қизиқишини оширади. Масалан, ўқувчилар иштирокида Тўмарис, Широқ, Спитамен қаҳрамонликлари ва жасоратини ифода этувчи кичик саҳна кўринишларини намоиш этиш

мақсадга мувофиқдир. Ёки бўлмаса, қўзғолонлар ва урушни келиб чиқиш сабабларини ўрганар эканмиз, одатда уларнинг келиб чиқмаслиги учун қандай сабаблар лозимлигини топишга ҳам ўргатиш лозим. Буни ижобий томони шундаки, ўқувчилар ўзлари учун фойдали малака ва кўникмаларга эга бўладилар.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ рағбатлантириш. Одатда, таълим жараёнида ўқишга қизиқишга катта аҳамият берилади. Ўқув материали мазмунининг объектив имкониятлари роли қанчалик катта бўлмасин, барибир ўқувчининг бевосита фаоллиги унинг билишга қизиқишини кучлироқ рағбатлайди.

Биз ҳам бошқа кўпчилик олимлар, ўқитувчилар сингари анъанавий ўқитишнинг ролини камситиш фикридан йироқмиз. Бироқ бир томондан, фан, техника, маданиятнинг тезкор тараққиёти, иккинчи томондан, ахборотларнинг таборо глобаллашиб бориши, бошқа томондан, бугунги ўсиб келаётган авлоднинг ҳар жиҳатдан эрта ривожланиши – акселерация ўқув жараёнига шундай ёндашишни талаб этмоқдаки, бунда асосий эътибор ўқувчиларнинг янги материални мустақил ўзлаштириш истаги каби имкониятларни ривожлантиришга қаратилади.

Рағбатлашнинг бу турига ўқувчилар мустақил ишларининг хилма-хил шаклини, уларнинг билиш фаолиятининг янги усулларини эгаллаш, таълимда муаммолилик, фан методларига жалб этишни ўз ичига тадқиқотчилик элементлари, турли ижодий ва амалий ишларни киритамиз. Мустақил ишларнинг хилма-хиллиги ва шакллари алмашиб туриши ўқувчилар фаоллигини рағбатлаши исботлаб берилган. Бироқ ўқув материали мазмуни малака ва кўникмаларни мустаҳкамлаш мақсадида мустақил ишнинг қандайдир битта шакли узок муддат қўлланишини талаб қилгани боис бу стимулдан ҳамма вақт ҳам фойдаланиб бўлмайди. Кўпинча, масала ечиш (физика, кимё, математика) жараёнида ўқувчилар ечиш алгоритминини ўзлаштирадилар. Ечиш усулларини ўрганиш, шубҳасиз, зарур. Бироқ бу

ҳолда ҳаракатлар такрорланувчанлиги билишга қизиқишни мустаҳкамлаш йўлида ғов бўлиши мумкин. Бундай бўлмаслиги учун эса ҳаракат вазияти, ўқитувчи билиш вазифаси ва уни ҳал этиш жараёнига муносабати билан яратган ҳолат билан боғлиқ стимуллар муҳим.

Ўқувчиларнинг билиш фаоллигини оширишда дарсда **ўқувчилар ва ўқитувчилар муносабатлари**дан келиб чиқадиган рағбатлаш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Гносеологик ва ижтимоий нуқтаи назардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, таълим ўқувчиларнинг билишга қизиқишига бевосита таъсир этадиган муносабатлар билан боғлиқ.

Мазкур масала юзасидан тадқиқотлар олиб борган олимлар ўқувчиларнинг билиш фаолияти хиссий кўриниши учун хос бўлган рағбатлар ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатлар ҳамда ўқувчилар жамоасидаги хусусиятлар билан боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Ўқувчилар фаолиятини ўқитувчи томонидан интеллектуал тартибга солиниши билишдан қувониш, муваффақиятдан қониқиш уйғотади. Ўқитувчи гуё ўқувчилар билан тенг асосда изланиш ишларини олиб боради: улар билан бирга режа тузади, билиш вазифаларини ҳал этишнинг турли йўллари излашга мажбур этади.

Ўқитувчининг педагогик ишонтира билиш қобилияти билишга қизиқиш ривожига кучли туртки беради. Ўқувчига, унинг билиш имкониятларига ишониш психологияда ҳам, мактаб амалиётида ҳам исботланганидай, нафақат ўқувчининг билишга қизиқиши, балки унинг маънавий ривожланиши учун ҳам рағбатдир.

Ўқитувчи ишларининг ўқувчилар томонидан қўллаб-қувватланиши, уларнинг ўқитувчи томон ҳаракати ҳам билишга қизиқишга таъсирини ўтказди, таълим ва ўқиш самарадорлигига кўмаклашади. Ўқитувчи ишончи доимо ўқувчиларнинг ўша томон интилишини келтириб чиқаради.

Юқоридагилардн хулоса қилиш мумкин:

1. Ўқув жараёни яхлит ва ҳатто ҳар бир дарс ўқувчиларнинг билишга, турли синф ва фанларда намоён бўлиш характериға кўра рағбатлар турли хил бўлади.

2. Рағбатларнинг бир хил тузилишға эғалиғи, ўзаро боғлиқлиғи билишға қизиқишни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришға хизмат этади, шахснинг билиш кучлари, унинг фикрлаш, иродавий, ҳиссий-билиш жараёнлари фаоллашини таъминлайди.

3. Ҳар бир дарсда билишға қизиқиш ўзининг авж нуқтаси, ўзининг кўрсаткичига эға, ўқитувчи буни кўриши, диққат билан таҳлил қилиши муҳим, зеро бу умумий маънода дарснинг самарадорлиғи кўрсаткичидир.

4. Ўқувчиларнинг билишға қизиқишларини тобора истикболли йўналиши қизиқишнинг дарс бошидан то охиригача изчил ўсиб боришидир, бунда ўқувчилар ишға берилиб кўнғироқни эшитмайди ва дарсдан ўқув жараёнида қилиб улгурмаганини давом эттириш истағи билан кетадилар.

5. Дарсда билишға қизиқишнинг аста-секин сўниб бориши уни рағбатламайди, балки ўчиради ва ҳар сафар қизиқтиришни бошидан бошлаш лозим бўлади.

Ш. БИЛИШ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Маълумки, билиш фаоллигини ошириш йўллари кенг қамровли тушунча бўлиб, ўз ичига таълим жараёнини ташкил этиш шакллари, усул ва воситаларини қамраб олади. Таълим жараёнини ташкил этишнинг ушбу қисмлари ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлиб, бири иккинчисини тўлдириб, бойитиб боради.

Ўқитувчининг нутқи, энг аввало, ўқувчининг ҳар томонлама камол топишида асосий роль ўйнайди. Шу сабабли ўқитувчи томонидан билимларни оғзаки баён қилиш ва ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш методлари алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу методлардан ҳикоя, тушунтириш, маъруза, суҳбат кабилар бугунги кунда ҳам мактаб ўқитувчилари томонидан кенг қўлланилиб келиняпти. Ҳатто уларга янгича ёндашиш орқали уларнинг муҳимлик қимматини ошириб борилмоқда.

Ўқитувчи **ҳикояси** ва **тушунтириши** бу ўқув ишларини ташкил этишнинг энг кўп тарқалган методлари.

Ҳикоя – ўрганилаётган материални ўқитувчи томонидан хабар-ахборот тарзида баён этилиши ва ўқувчилар билиш фаоллигини ошириш методи. Кўпинча бу метод ўрганилаётган материал тавсифий характерга эга бўлганида қўлланади, **масалан, тарих дарсида шахсларнинг таржимаи ҳоли ва фаолияти, турли мамлакатларнинг географик ҳолати ва табиий шароитлари ва ҳ.к.**

Бироқ соф кўринишда ҳикоя кам қўлланади. Кўпинча, у ўқитувчининг фикрлари, фактлар таҳлили, мисоллар таҳлили, турли ҳодисаларни қиёслаш, яъни ўқитувчи тушунтиришини ўзи ичига олади. Янги билимлар баёни тўлиқ ўқитувчининг тушунтиришига асосланиши ҳам тез-тез кузатилади. **Масалан, 7-синф тарих дарсида ерга эгалик қилиш шакллари баён этар экан, у албатта шу ер эгалиги шакллари ҳар бирига изох бериб ўтиши лозим**

бўлади: мулки султоний – бу давлат ерлари; мулки холис – хусусий ерлар; мулки вақф – масжид-мадрасаларга тегишли ерлар.

Ҳикоя ва тушунтириш нисбатан кичик ҳажмдаги ўқув материаллини ўрганишда қўлланади. **VII – VIII синфдан бошлаб эса, ўқитувчи айрим мавзулар бўйича катта ҳажмдаги янги билимларни баён этишга тўғри келади, бунга 20-30 дақиқа, баъзида бутун дарс вақтини сарф қилади. Масалан, тарих дарсларида ҳар бир мавзу ўрганилаётганда дастлаб ўқитувчининг ўзи баён этади. Мураккаб бўлган мавзуларни охиригача ўзи маъруза қилади.**

Мактаб **маърузасига** ҳам технологик жиҳатдан ёндашилганлиги боис, ҳозирда бир қанча янги усуллари жорий этилган.

1. Конспект – маъруза. Ушбу технологиянинг асосий мақсади ўқувчиларнинг мустақил ишлаш қобилиятини ривожлантиришдан иборат. Шу билан бирга, ушбу усул синфдаги иш вақтини қисқартиришга ҳамда кам ўзлаштирган ўқувчиларга ҳам умумий даражадаги ўзлаштира ошишга имкон беради.

Ўқувчилар олдиндан вазифани олишади. Бу ўтилган мавзунинг конспект қилиш, дарсликдан топшириқ бериш тарзида бўлиш мумкин. Кейинги дарсда ўқувчилар асосий саволларни қисқа баён этадилар. Шундан сўнг ўқувчилар ўртасида фаол фикр алмашиш амалга оширилади.

Машғулот сўнгида ўқитувчи якуний муҳокама ўтказди ва хулоса қилади.

Бу усул албатта ҳамма ўқувчилар вазифани тайёрлаб келгандагина, самарали бўлади. барча ўқувчилар учун уй вазифасини тайёрлаш қизиқарли бўлиши учун, ўқитувчидан муҳокамага бериладиган мавзунинг ана шундай ташкил эта олиш маҳорати талаб қилинади.

Юқорида баён этганларимизни бошқа вариантда ҳам амалга ошириш мумкин: ўқитувчи мавзунинг қисқача баён этади, қайсики ўқувчилар уйда тайёрлаганлари бўйича. Ўқитувчи баён қилиш давомида ўқувчиларни

Ўзининг маълумотларини тўлдиришга рағбатлайди. Буни шундай ташкил этиш керакки, ўқувчилар маълумотни тўлдириш хоҳишига эга бўлсинлар.

2. Маъруза – мунозара. Ушбу технологиянинг мақсади ўқувчиларнинг танқидий фикрлашини ривожлантириш, мавзунини тушуна олиш жараёнини фаоллаштириш ҳамда ўрганилган маълумотни янада чуқурроқ тушунишдан иборат.

Бунга кўра, ўқитувчи маърузани мантикий қисмларини баён этишда тезда фикрлар алмашишни ташкил этади. Танлаб олинган масалаларни маърузачи эшитувчилардан мустақил муҳокамасини амалга оширади. Мунозара иштирокчилари ўз фикрларини ўтирган жойларидан турмасдан ҳам билдиришлари мумкин.

Мунозара машғулоти сўнгида бутун маъруза мазмунини бўйича ҳам ўтказилиши мумкин.

Хатто маъруза давомидаги қисқа мунозара ўқув жараёнини жонлантириб юборади, тингловчиларнинг билиш фаоллигини фаоллаштиради, энг муҳими, маърузачига бутун гуруҳнинг фикрини бошқаришга ёрдам беради.

Маъруза →	Мунозара →	Маъруза →	Мунозара →	Хулосалар
-----------	------------	-----------	------------	-----------

Ушбу технология яхши ишлаган. Маъруза – мунозара технологиясини жорий этиш ишланмалари ўртача даражада. Агар ўқитувчи технологияни яхши эгаллаган, мавзунинг мазмунини ва хонадаги муҳитни яхши билса, машғулотга алоҳида тайёргарлик кўриш талаб этилмайди. Фақат ўқувчиларни мунозарага жалб этиш учун саволларни олдиндан ўйлаб қўйиш зарур.

3. Орқага қайтишли мунозара. Мазкур технологиянинг мақсади ўрганилган машғулоти мазмунини эслаб қолиш жараёнини фаоллаштириш, эшитиш биланоқ эслаб қолиш қобилиятини ривожлантириш ҳамда машғулоти

давомида ўқув материални ўзлаштириш даражаси ҳақида тезкор ахборотга эга бўлишдан иборат.

Албатта, тингловчилар маъруза сўнггида уларга текширув саволлари жавоблари билан бирга берилишини билса мазкур усул ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиради.

Ҳар бир ўқувчи карточка олади. Ўқитувчи саволни шакллантиради ва бир нечта муқобил жавобларни ўқувчига тақдим этади. Ўқувчилар саволга жавоб берадилар, ҳамда тўртбурчакдаги саволлар остидаги жавобга мос рақамни белгилайдилар. Сўнг карточкани қайтарилади ва маърузачи бирдан натижани эълон қилади.

№ синф	Саволларга жавоблар					Тўғри жавоблар сони
Фамилия	I	II	III	IV	V	
Сана _____ Мавзу _____						
Жавоблар коди						

Баъзан ўқув маърузасида текширишдан сўнг баҳолари эълон қилинади. Қайта алоқали маъруза амалга оширилгандан сўнг бир оз бўлса-да, ўқувчиларнинг маърузадаги иштироки ва фаоллиги (сезиш, англаш, тушуниш, жалб қилиш) ошади.

Ушбу технология яхши ишланган. Сарфланган вақт мавзу мазмунини ўзлаштиришни қоплай олади.

Мактаб маърузаси монологик ёки ахборот-маълумот методларига мансуб. **Сухбат** эса диалогик метод (грекча – икки ёки ундан ортиқ киши сухбати), шунинг ўзиёқ унинг жиддий ўзига хослигидан далолат. Сухбат моҳияти шундан иборатки, ўқитувчи моҳирона берилган саволлар билан ўқувчиларни фикрлаш, ўрганилаётган факторнинг маълум мантиқий кетма-

кетлигида таҳлил ва тегишли назарий хулоса ва умумлаштиришлар қилишга чорлайди.

Кўринадикки, суҳбат маълумот берувчи эмас, балки савол-жавоб тарзидаги ўқув иш услуби. Суҳбатнинг асосий мазмуни-ўқувчиларни саволлар ёрдамида фикрлаш, материални таҳлил қилиш ва умумлаштириш, ўзи учун янги хулосаларни мустақил “кашф қилишга” даъват этиш. Шу боис суҳбат ўтказганда саволлар шундай берилиши керакки, улар оддий тасдиқ ёки инкорни эмас, балки кенг фикрлар, маълум асослаш ва қиёслашларни талаб этсин, натижада ўқувчилар ўрганилаётган предмет ва ҳодисаларнинг жиддий белги ва хулосаларини билиб олади. Шу йўл билан янги билимларни эгаллайди.

“Савол бера олиш, - ёзади К.Д.Ушинский, - ва жавоблар мураккаблиги ва қийинлигини аста-секин ошира бориш педагогик одатларнинг энг асосий ва энг зарурларидан бири”¹. Саволлар аниқ изчиллик ва йўналганликка эга бўлиши муҳим, бу ўқувчиларга ўзлаштирилаётган билимларнинг ички мантиқини чуқур англашда кўмаклашади.

Суҳбатнинг кўрсатиб ўтилган ўзига хосликлари уни таълимнинг анча фаол методига айлантиради. Бироқ бу методни қўллашда ҳам чекланишлар мавжуд, зеро ҳамма материални ҳам суҳбат методи билан баён этиб бўлмайди. Бу метод кўпроқ ўрганилаётган мавзу унчалик мураккаб бўлмаган ва ўқувчилар у ҳақида маълум тасаввур ёки ҳаётий кузатишларга эга бўлган ҳолларда қўлланади (heurisko – топаман).

Материални оғзаки баён этиш методлари, одатда, кўргазмали куроллардан фойдаланиш билан бирга кечади. Шу сабабли дидактикада ўқув қўлланмаларини **демонстрациялаш** (намойиш этиш) ва **иллюстрациялаш**, ёки **иллюстрациялаш** ва **намойиш** (illustration – тасвир, кўргазмали тушунтириш, demonstration – намойиш этиш, кўрсатиш) **методи** катта роль ўйнайди. Демак, бу метод мазмуни шуки, ўқув ишлари жараёнида у ёки бу

¹ Ушинский К. Д. Собрание сочинений, Т – 6, с. 314

кўлланмани намойиш этади, иллюстрация, яъни кўргазмали тушунтиришдан фойдаланади, булар, бир томондан, ўрганилаётган материални идрок этиш ва англашни осонлаштириши, бошқа томондан янги билимлар манбаи сифатида намоён бўлиши мумкин.

Масалан, Ўрта асрлар тарихидан ўрта аср шаҳарларининг ҳаёти, турмуши ва маданияти мавзусини баён этишда ўқитувчилар ўрта аср шаҳари, деҳқонлар юмушлари, дворянлар уйлари, князлар ва боярлар кийимлари ва б. ҳ. акс этган иллюстрациялардан кенг фойдаланилади.

Бундан ташқари расм (картина) ҳамда суратдан ҳам фойдаланиш ўқувчининг билишга бўлган қизиқишини орттиради. Тарих даврларини акс эттирувчи расмлар ва тарихий шахсларнинг сурат (портрет) лари ўқувчига ўрганилаётган даврни янада теран англашга ёрдам беради.

Ўқувчиларни тарихий билимлар билан куруллантиришда ўқитувчига харита энг яхши кўмак беради. Албатта, ўқувчи учун ўзи ўрганилаётган давлатнинг жойлашган ўрни ва шаҳарларини билиш ёки урушлар олиб борилган шаҳарлар ва жангни бориш жараёнини билиш кизикарли. У эса бундай эҳтиёжни тарихий, географик, шарҳли, мавзули хариталарни ўрганиш оркали кондиритиш имкониятига эга бўлади ¹.

Иллюстрация ва намойишлардан фойдаланиш самарадорлиги сўз ва кўргазмалиликни моҳирлик билан уйғунлаштиришга, ўқитувчининг ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини янада аниқ очиб берадиган хосса ва хусусиятларни ажрата билишига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Билимларни оғзаки баён этиш методлари хусусида гап борганда, ўқувчиларни ўрганилаётган материални идрок ва англашда фаолликка ундаш билан боғлиқ масалаларга тўхталиш лозим бўлади.

Материални эшитиб идрок этиш – қийин, ўқувчидан ихтиёрий диққат ва иродавий куч талаб этадиган иш. К.Д.Ушинский дарс моҳирона ўтилмаса, ўқувчилар шунчаки “дарсда бўлишлари”гина мумкинлигини, аслида ўзи

¹ Қаранг: А. А. Вагин. Методика преподавания истории в средней школе. М., 1968 г., с. 149 - 200

билганини ўйлаши ва ёки “бошида хаёлсиз қолиши”ни таъкидлайди.¹ С.Т.Шацкий бу ҳақда ёзар экан, ўқувчилар “педагогик уйкуга кетиши”, яъни диққат килган кўриниш ҳосил килиб, ишда умуман иштирок этмаслиги мумкинлигини айтади ². Бу нуқсонлар оғзаки баён методлари эмас, балки уларни усталик билан қўлламаслик натижасидир.

Материал оғзаки баён килинганида ўқувчилар пассивлигининг олдини олиш ва уларнинг ўқув материалининг фаол идроки ва англашини таъминлаш учун, биринчидан, материал баённинг ўзи илмий жиҳатдан мазмунли, жонли ва кизикарли бўлиши, иккинчидан билимларни оғзаки баён этишда қўмаклашувчи алоҳида педагогик усул (приём)ларни қўллаш зарур.

Бу усуллардан бири оғзаки баён этишда баён этилаётган материални идрок этиш ва англаш жараёнида ҳал этилиши лозим бўлган билиш вазифалари ва саволлар қўйиш, муаммоли вазият яратишдир. Бу ҳолда энг оддийси янги материал мавзусини етарлича аниқ белгиланиши ва ўқувчилар фаҳмлаб олиши керак бўлган асосий масалаларни ажратиб кўрсатишдир.

Масалан, 7-синф “Ўзбекистон тарихи” фанидан Хоразмшоҳлар давлатининг сиёсий ҳаётини ўрганаётган пайтда ўқувчилар олдига қуйидагича муаммоли вазиятни қўйиш мумкин: “Сизнинг фикрингизча, Чингизхон Хоразмшоҳни “ўғлим” деганда нимани назарда тутган?

Чингизхон ва Хоразмшоҳнинг элчилик алокаларидан туб мақсадлари нима эди?

Хоразмшоҳлар давлат бошқарувидаги қайси удум давлат мансабларига муносиб шахсларни танлашга ҳалакит берган?”

Ёки бўлмаса, мавзуга боғлиқ ҳолда ҳаётини, ўқувчиларнинг ўзида мавжуд нарсаларга таяниб ҳам бундай муаммоли вазиятларни яратиш мумкин. Айниқса 5-7 синфларда бундай тушунтириш самарали бўлади. Чунки, қачон эса сақлаб қолиш, тез ўзлаштириш мумкин, қачонки айтилаётган фикр ўқувчилар учун қизикарли ва керакли бўлсагина, албатта.

¹ Харламов И. Ф. Педагогика: Учебник, с. 193

² Харламов И. Ф. Педагогика: Учебник, с.193

7-синф Жаҳон тарихи дарсида ўқитувчи “Франклар империяси” мавзусини баён этишдан олдин ўқувчиларнинг диққатини жалб этиш мақсадида қуйидаги муаммоли вазиятлардан фойдаланиши мумкин:

1. Қандай инсонларни “буюк” деб аташ мумкин? Мисоллар келтиринг.

2. Маълумки, бугунги кунда ўғил болалар орасида ҳам сочини узун қилиб юриш модага айланган. Тасаввур килинг, мактаб раҳбарияти ана шундай ўқувчилардан бирини орқа сочини мажбурлаб олдириб ташлади. Буни шу ўқувчига нисбатан килинган ҳақоратомуз иш дейиш мумкинми?

Дастлаб ўқитувчи ўқувчилардан ушбу муаммоли вазиятларни ечишни сўрайди. Ўқувчилар ўз фикрларини баён этиб бўлишгач, ушбу вазиятларга боғлаб мавзу баён этилади. Биринчи вазият Буюк Карл номи билан боғланса, иккинчисидан Карлнинг Италияга, Лангобардлар киролигига ҳужуми ва Лангобардлар кироли Дезидирийнинг сочини қириб ташлаш воқеаси билан боғлиқ ҳолда фойдаланиш мумкин.

Билиш фаоллигини рағбатлантиришда ўқитувчининг ўқувчиларни ўрганаётган мавзу баёнида мантиқ ва кетма-кетликни англаш ундаги асосий ва кўпроқ муҳим қоидаларни ажратишга ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини оширишда уларни қиёслаш аввал ўрганилганлари билан янги фактларни таққослашга мажбур этувчи усул яхши самара беради. К.Д.Ушинский билиш фаоллигини оширишда қиёслашнинг роли фикрлаш катталигини таъкидлаган, унингча қиёслаш ҳар қандай тушунишнинг асоси, дунёдаги барча нарса қиёслаш орқали ўрганилади.

Қиёслашнинг фикрлаш фаолиятига таъсирининг психологик механизмини ҳатто Гельвеций ўз вақтида тушунтиришга уринган: “Предметларни ўзаро ҳар қандай қиёслаш – ёзади у, диққатни, ҳар қандай диққат ҳаракатни, ҳар қандай ҳаракат эса – буни бажаришга рағбатни кўзда тутди”¹.

¹ Гельвеций К. А. О человеке. М., 1988, с. 68

Қиёслаш усули ўқувчилардан ўқув материалидаги ички алоқаларни англай олишни, у ёки бу ҳодисани келтириб чиқарадиган сабабларга эътибор беришни талаб қилади. **6-синфда Жаҳон тарихи фанидан Месопотамия давлати мавзуси ўрганилар экан, ўқитувчи бу ерда тиббиёт ривожига ҳақида гапиради. Жумладан, у Месопотамияда одам жасадини анатомиялашга рухсат этилмаслиги ва гуноҳ саналиши, Мисрда эса бундай таққослаш бўлмаганини айтади. Шундан сўнг болалардан ўлган одамларни анатомиялашга бу каби икки хил ёндашув ҳақидаги билимлар кенгайтириши ва тиббиёт ривожига қандай таъсир этишини сўраш ўринли бўлади. Бу савол болаларни қадимги Месопотамия аҳолиси одамнинг ички тузилиши ҳақида камроқ билимга эга бўлган ва тиббиёт ривожига секинлашгани ҳақида хулоса қилишга олиб келади.**

Ўрганилаётган материални фаол идрок этиш ва англашда ўқитувчининг ўз баёнига қизиқарли **характер бахш эта олиши**, уни жонли қила олиши жиддий аҳамият касб этади. Бунда энг аввало ёдда тутиш керакки, ўқув материали ўз-ўзича ўқувчиларнинг қизиқиши ва фикрлашини уйғотувчи кўплаб стимулни сақлайди. Булар: илмий маълумотлар янгилиги, фактлар ёрқинлиги, хулосалар оригиналлиги, мавжуд тасаввурларни очиб беришда ўзига хос ёндашув, ҳодисалар моҳиятига чуқур кириб бориш ва шу каби. Буни ҳисобга олиб, ўқитувчи ўз баёнини дарсликни шунчаки қайта айтиб беришга тенглаб қўймаслиги, балки уни мазмунан янада чуқурлаштириб, янги деталлар ва қизиқарли мисоллар билан бойитиши лозим. К.Д.Ушинский ёзади: “ўрганилаётган предмет биз учун янгилик. Шунда ҳам қизиқарли, яъни кўнглимизда борини ё тўлдирадиган, ё тасдиқлайдиган, ё инкор этадиган, ё парчалайдиган, яъни бир сўз билан, бизда илдиз отган изларда ниманидир ўзгартирадиган бўлиши керак”¹.

6-синф жаҳон тарихи дарсида “Милоддан аввалги II минг йилликда Месопотамия” мавзуси ўрганилади. Ўқитувчи кўрсатиб бермоқچики, бу

¹ Ушинский К. Д. Собрание сочинений. Т – 8, с. 321 – 322

даврда Икки дарё оралиғида одамлар металллар, жумладан, темирни кайта ишлаган, окибатда бобилликлар ҳаётида улкан ўзгаришлар содир бўлган. Буни таъкидлаш ва ўз баёинини қизиқарли қилиш учун ўқитувчи бизгача етиб келган афсонани айтиб беради.

Ажойиб каср қурилиши тугаллангач, қадимда шоҳ энг яхши қурувчиларни машҳур қилмокчи бўлди. Қимматбаҳо тош ва ўймакорлик билан безатилган баландликда фахрий ўриндик ҳозирланиб, қурувчилар орасида энг кўп ҳурматга сазовор шахс, энг яхши уста шу жойни эгаллаши лозим эди. Улардан бири ҳеч қандай таклифсиз ўриндикни эгаллади.

- Сен кимсан ва нимага бу жойни эгалладинг? – сўради шоҳ.

Оломон шивир-шивири тўхташини хотиржам кутиб тургач, нотаниш киши ғишт терувчига юзланди:

- Сенинг асбоб-ускунангни ким ясади?

- Темирчи.

- Сеникини-чи? – дурадорга юзланди меҳмон ва шу савол кимга берилмасин, ҳамма бир сўз билан жавоб қилди: темирчи.

- Кўрдингми, шоҳ, усталарингдан ҳеч бири мен ясаган темир ускуналарсиз ўз ишини бажара олмасди. Мен темирчиман, темирга ишлов берувчи устаман ва бу жойга мен ҳақлиман.

Афсона кичик, бироқ қизиқарли, ибратли. У дарсни жонлантириб, болаларда ихтиёрсиз диққатни уйғотади ва ўрганилаётган материалдаги муҳим ҳолатни таъкидлаш имконини беради.

Билимларнинг ўқитувчи томонидан оғзаки баён этилиши уларнинг ўқувчилар томонидан бирламчи идрок этилиши ва англаниши билан боғлиқ. Бироқ, дидакт М.А.Данилов таъкидлаганидек. “Таълимнинг биринчи босқичи натижаси бўлган билимлар ҳали ўқувчиларнинг фаол мустақил фикрлаши ва фаолияти қуроли саналмайди.¹ Машҳур биолог-методист Н.М.Верзилин ҳам

¹ Педагогика, с. 197

шу ҳақда ёзиб, илмий тушунчалар бирданига шаклланмаслиги, балки ҳар бирида хотирани фактик материал билан бойитиш, уни янада чуқур ва ҳар томонлама таҳлил, кечадиган қатор босқичлардан ўтиши, бу ўзлаштирилаётган хулоса, умумлаштириш ёки қоидалар ўқувчининг интеллектуал бойлигига айланишига кўмаклашишини таъкидлаган. Шу жиҳатдан материалнинг ўқитувчи томонидан тушунтирилиши жуда муҳим. Бироқ бунга ўқув ишининг бирламчи босқичи сифатида қараш лозим. Юқорида келтирилган қонуниятдан келиб чиқиб, дидактикада баён этилган материални ўзлаштириш (мустаҳкамлаш, ёдлаш, тобора чуқур англаш)га катта аҳамият берилади.

Ҳар бир фан бўйича анча мураккаб, ўзлаштириш ўқувчилар учун қийинчилик туғдирадиган мавзулар бор. Бундай ҳолларда янги материал баёнидан кейиноқ уни ўзлаштириш (ёд олиш) бўйича суҳбат ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас. Яхшиси, ўқувчиларга дарслик билан мустақил ишлашга имконият бериш, кейин суҳбат ўтказиш керак. Масалан, аслида ҳар бир дарсда ўқитувчи тушунтиришидан кейин ўқувчиларга дарслик билан мустақил ишлашга имконият бериши лозим. Бу билиш фаолияти қонуниятлари билан белгиланади. Аввал айтилганидек, у ёки бу материални пухта ўзлаштириш учун уни ўрганишга бир неча бор мурожаат этиш талаб қилинади. Ҳар қандай кейинги иш, агар тўғри ташкил этилса, нафақат билимларни яхши ёд олишга кўмаклашади, балки унда янги детал ва оттенка(қирралар)ни топиш, уларни англашга чуқурроқ ёндашиш имконини беради. Афсуски, бунга ҳар доим ҳам вақт етмайди.

Бироқ дарслик билан ишлашни тўғри ташкил этиш лозим, токи ўқувчилар уни шунчаки ўқимай, ўрганилаётган материални янада чуқур англаш ва ўзлаштиришда давом этсин. **“Спарта ва Афинанинг ривожланиши хусусиятлари”** мавзусидаги дарсни мисол келтирайлик. Мавзу анча мураккаб, шу сабабли ўқитувчи мазмунли тушунтиришдан кейин ўқувчиларга дарсликларини олиш ва у билан ўрганилаётган

мавзу устида мустақил ишлашни таклиф этади. Бу ишни янада маъноли қилиш мақсадида ўқувчилар эътибор қаратиши лозим бир неча саволни ўртага ташлайди: Нима учун периектлар ҳолатини илотларга нисбатан имтиёзли санаш мумкин? Афина аслзодалари ва Салон инсонларни нимасига кўра тоифаларга ажратган? Спарта ва Афинада энг юқори ҳокимиятни ким амалга оширган?

Ўқувчилар энди дарсликни механик равишда ўқий олмайди. Улар қўйилган саволларга жавоб топиш учун ўйлашлари лозим бўлади. Мустақил иш давомида ўқитувчи синфни кузатиб, бир неча ўқувчи ёнига бориб, берилган саволларга жавоб топа олаётгани ҳақида сўрайди. Шундан сўнг мустаҳкамлаш учун суҳбат ўтказилади. Барча ўқувчилар ўқитувчи саволларига яхши жавоб беришади. Бу тушунарли: улар барча зарурий билиш ҳаракатларини амалга оширдилар: ўқитувчи тушунтираётганида бирламчи идрок ва англаш, дарслик билан ишлаш вақтида кейинги янада чуқурроқ англаш ва ўзлаштириш, ниҳоят мустаҳкамлаш учун суҳбатда қатнашиб уни ёд олиш ишини бажарадилар.

Тарих дарсларида ўқувчиларга дарслик билан мустақил ишлашни таклиф этиб, ундан дарснинг асосий мустаҳкамловчи ўринларини топишни топшириш усулини қўллаш мумкин. **Масалан, 6-синф Ўзбекистон тарихи дарсида “Зардуштийлик дини” мавзуси ўрганилаётганда, ўқитувчи ўқувчиларга зардуштийлик динига хос урф-одатларни, таълимотнинг асосий ғояларини излаб топишни вазифа қилиб бериши мумкин.**

Бундан ташқари таълим жараёнида ўрганилаётган материалнинг ўқитувчи томонидан баён этилиши билан бир қаторда ўқувчиларнинг янги билимларни идрок этиш ва англаш бўйича мустақил ишлари методлари ҳам жуда муҳим. Дидакт олимларнинг фикрларича, мустақил ишгина ўқувчининг чуқур билим эгаллаши ва фикрлаши ривожини учун шароит яратади.

Мустақил ўқув иши моҳиятини очиб бериш учун Б.П.Есипов ёзади: “Таълим жараёнига киритилган ўқувчиларнинг мустақил ишлари шундай

ишларки, ўқитувчининг бевосита иштирокисиз, бироқ унинг топшириғи билан бунинг учун махсус ажратилган вақтда бажарилади; бунда ўқувчилар топшириқда қўйилган мақсадга эришиш учун онгли равишда инттиладилар, ўз саъй-ҳаракатларини кўрсатадилар ва ақлий ҳам жисмоний (ёки ҳар иккисини биргаликда) ҳаракатлари натижаларини у ёки бу шаклда ифодаляйдилар.¹

Бу жараёнда ўқитувчиларга интерфаол методлар якиндан ёрдам беради. Ўқувчиларда эса билишга катта қизиқиш ҳосил қилинади.

Асосий билимларни фаоллаштириш ва ривожлантириш учун қўлланадиган стратегиялардан бири – **семантик хусусиятлар таҳлилидир**.

Ушбу метод ўқувчилар жуда оз даражада дастлабки билимларга эга бўлган мавзунинг ўрганаётганларида фойдали бўлади. Янги ва кам маълум бўлган жиҳатлар ёки мавзулар билан таққослаш ушбу методнинг моҳияти ҳисобланади.

Бундай фаолиятни ўтказиш учун ўқитувчи олдиндан слайдда ёки катта коғоз варағида чизма тайёрлаб қўяди. Учта банд номи чизманинг чап томонига юқоридан пастга қараб, ана шу жиҳатлар таққосланадиган хусусиятлар тўплами чизманинг юқоридаги қаторига ёзилади.

Фаолиятнинг дастлабки тури сифатида (чакириқ босқичи сифатида) ўқувчилар иккита таниш жиҳатни муҳокама қиладилар ва ҳар бир банд бўйича семантик хусусиятларнинг ҳар бири тагига белгилар тизимини (+ “ҳа” учун, - “йўқ” учун) тақлиф этадилар. Сўнгра ўқиш, маъруза тинглаш ёки ўрганишнинг бошқа турини бошлашдан олдин ҳам ўқувчилар мавзунинг семантик хусусиятлари учун белгилар тизимини тақлиф этадилар (+ “ҳа” учун, - “йўқ” учун, “?” - бу хусусиятга ишончлари комил эмаслигини кўрсатиш учун). Мазкур ҳолда ўқитувчи ўқувчиларни ҳатто ишончлари комил бўлмаган тақдирда ҳам мавзуга доир тахминни айтишга мажбур қиладди. Энди ўқувчилар ўқийдилар ёки бошқа бирор-бир тарзда янги

¹ Есипов Б. Л. Самостоятельная работа учащихся на уроке. М., 1961 г., с. 15

мавзуни тадқиқ қиладилар (англаш босқичи). Шундан сўнг улар билиб олганларини муҳокама қиладилар.

Сўнгра, кейинги фаолият сифатида (бу ҳол фикрлаш босқичининг бир қисми сифатида қаралади) ўқувчилар чизмага қайтадилар ва улар дастлабки фаолият тури вақтида амалга оширган белгиларни тасдиқлайдилар ёки уларга доир тузатишларни таклиф этадилар.

Семантик хусусиятлар таҳлилидан матнларга асосланмайдиган дарсларда ҳам фойдаланса бўлади.

Семантик хусусиятлар таҳлили: Ирклар.

Яшайдилар?	Бўйлари?	Кўзлари?	Сочлари?	Баданлари?
Африка	Баланд	Қора	Сарғиш	Қора
Европа	Ўртача	Кўк	Жингалак	Малла
Осиё	Паст бўйли	Қисик	Малла	Оппоқ
Мўғул - - +	- + -	- - +	? - -	- ? -
Европа - + -	+ - -	- + -	- - +	- - +
Негр + - -	- - +	? - +	- + -	+ - -

Бир биридан сўраш. Ўқувчиларга матндан ахборотни ажратиб олишда ёрдам талаб қилинса, **бир-биридан сўрашни** тавсия этиш мумкин. (Манзо, 1969). Ушбу усул қуйидагича қўлланилади: икки ўқувчи матнни ўқийди, ҳар бир хатбошидан сўнг тўхташади ва бир-бирига ўқилганлар хусусида навбат билан савол беришади. Дастлаб ўқитувчи ўз мисоли орқали жуфтликларда қандай ишлаш кераклигини кўрсатиб, ўқитувчи бутун аудиторияни жуфтликларга бўлади ва уларга бир-бирларига савол беришни таклиф этади.

Ушбу усулни бутун синф билан ишлашда ҳам қўллаш мумкин. Бир варианты синф матндан бир-иккита хатбошини ўқийди. Сунг китоблар ёпиб қўйилади, ўқувчилар ўқиганлари асосида навбати билан ўқитувчига турли хил саволлар беришади. Сўнг уларнинг ўрни алмашади, энди ўқитувчи синфга аниқ фактларни билишни эмас, балки фикрлар моҳиятини ва уларнинг “яширин маъносини” тушунишни талаб этадиган бир нечта яхши саволни беради. Бу тарздаги саволларни бир неча маротаба бергач, ўқитувчи топшириқни ўзгартириши ва ўқувчилардан матн давомида нималар тўғрисида сўз бориши хусусида тахмин қилишни ва ўз тахминларини асослаб беришни сўраши мумкин. (Vassa and Vassa, 1996).

Синф билан ишлашда бу усулдан фойдаланишнинг иккинчи варианты: ўқувчилар ҳар бирида уч киши бўлган гуруҳларга ажратилади ва навбат билан савол бериб, унга жавоб қайтариш таклиф қилинади.

Бир-бирига ўргатиш.

Яхши маълумки, бошқаларга ўргатганда ўзинг ҳамма нарсани осонроқ ўрганасан. **Бир-бирига ўргатиш** усули ана шундан келиб чиққан, юқорида баён этилган бир-биридан сўраш усули сингари у ҳам барча ўқувчиларга ўқитувчининг ўрнида бўлиш ва бошқаларни матн устида ишлашга йўналтириш имкониятини бериш мақсадида ишлаб чиқилган. Ахборий матн билан ишлаганда бу усулни қўллаш яхши натижа беради.

Бир-бирига ўргатиш (Броун, 1984) тўрт-етти кишидан таркиб топган гуруҳларда ўтказилади. Уларнинг ҳаммасига битта матн нусхалари тарқатилади. Ўқувчилар навбат билан ўқитувчи ролини – улардан битта муайян ҳаракатни бажаришни талаб этадиган ролни ўйнайди. Гуруҳнинг барча аъзолари хат бошини ўқиб бўлгач (ичларида), “ўқитувчи” қуйидагиларни амалга оширади:

- 1) хатбошининг мазмунини якунлайди;
- 2) матн бўйича савол ўйлайди ва бошқа ўқувчилардан унга жавоб беришни сўрайди;

- 3) бошқаларга равшан бўлмаган жойларни очиб беради;
- 4) кейинги хатбошининг эҳтимолий мазмунини башорат қилади;
- 5) кейинги хатбошини ўқиш топшириғини беради.

Масалан, ўқитувчи ва беш ўқувчи “Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар” (5-синф, “Тарихдан ҳикоялар”) матнини ўқимокда деб фараз қилайлик. Дарс қуйидагича ўтади.

Дастлаб ўқитувчи биринчи хатбоши бўйича мунозаранинг раҳбари эканлигини маълум қилади. ўқувчилар нафақат хатбошига эътибор бериб, мунозарада иштирок этиб қолмай, балки ўқитувчи мунозарани қандай олиб бораётганини ҳам диққат билан кузатиб боришлари лозим. Чунки уларнинг ҳар бири кейинги хатбошилар ўқилганда мунозара раҳбари ролини бажаради. ўқитувчи ҳар бир хатбоши ўқилганидан кейин қуйиладиган беш қадамни ўз ичига олган чизмани тайёрлайди. У ўқувчилардан ўзи мунозарани ўтказишга қараб қўллайдиган русум-қоидаларни кузата олишлари учун чизмадан фойдаланишни илтимос қилади. Юқорида кўрсатилган беш қадамга асосланиб мунозарани давом эттиради.

Учинчи хатбошини ўқишни бошлашдан олдин ўқитувчи томонда ўтирган ўқувчини танлаб, мунозарани ўтказишни сўрайди. Ўқувчи топшириқни уддалагач, мунозарага раҳбарлик қилиш галдаги кейинги ўқувчига ўтади ва ҳакозо.

Ўқитиш бўйича қўлланма

Бундай ишланмалар ўқувчиларнинг тадқиқ этиш фаолиятини ҳатто ўқитувчи йўқлигида – айтайлик, улар матнни мустақил ўқиш топшириғини олишганида йўналтиришга ёрдам беради. Қуйида эътиборингизни, ялпи ўқиш пайтида, саволлар ёзилган варақ туфайли, ўқувчиларнинг эътиборини “Тусчилар ҳаракати” тўғрисидаги матн ичида сочилган муайян деталларга жалб этилганига қаратамиз. Ундан аввал тарих дарсларида билиш фаоллигини фаоллаштириш учун ўқитиш бўйича қўлланма қуйидаги ҳолларда яхши кўмакчи эканлигини эслатиб ўтиш лозим:

1) ўқувчиларга ўзларининг кузатиши эҳтимолдан узоқ бўлган фикрнинг анча нозик ҳаракатини сезишда ёрдам беради.

2) ишнинг ҳамма босқичларида юқори тартибдаги фикрлашни рағбатлантиради;

3) мунозара ёки ёзма иш учун асос бўлиб хизмат қилади, яъни ўз қобиғига ўралиб қолмайди.

3-расм “Ян Гус таълимоти. Гусчилар ҳаракати ва унинг оқибатлари” мавзусига доир ўқитиш бўйича қўлланма.

-
1. Ян Гус таълимотида қандай ғоялар илгари сурилган?
 2. Ян Гуснинг ўлими олдидан айтган қуйидаги гапларини қандай изоҳлаш мумкин? “Виждонимга хиёнат қилмайман. Агар мен ўз сўзимдан қайтсам, доимо ҳақиқатни ўргатган халқимга қайси юз билан қарайман”.
 3. Таборийлар ва мўтадиллар ўртасидаги келишмовчиликларга сиз қандай қарайсиз? Сизнингча, уларнинг қай бирининг ғоялари жамият ривожини учун асос бўла олади?
-

Эслатма: дастлабки иккита саволга жавоблар бутун матннинг ҳар-ҳар еридан тўпланади. Учинчи саволга жавоб бериш учун биринчи ва иккинчи саволга жавоб бериш учун тўпланган материал асосида юқорироқ тартибда фикрлашга ўқувчилар рағбатлантирилади.

Икки қисмли кундаликлар

Икки қисмли кундаликлар (Берталф, 1981) ўқувчиларга матн мазмунини ўз шахсий тажрибаси билан чамбарчас боғлаш, ўзининг табиий кизиқувчанлигини қондириш имконини беради. Айниқса, ўқувчилар қандайдир катта матнни уйда, ўқув аудиториясидан ташқари ўқиб чиқиш топшириғини олишганида икки қисмли кундаликлар фойдалидир.

Икки қисмли кундалик учун ўқувчилар ёзилмаган қоғознинг ўртасидан тик чизик ўтказиб, уни иккига ажратишлари керак. Қоғознинг чап томонига

матннинг қайси қисми уларга энг кўп таассурот қолдирганини қайд этишади. Эҳтимол, у қандайдир хотирани уйғотар ёки ҳаётларида юз берган воқеаларни эсга туширар, ёки шунчаки тажжубга солар. Ёхуд уларнинг қалбида кескин норозилик ҳиссини уйғотар. Ўнг томонида улар шарҳ беришлари керак: айти шу цитатани ёзишга уларни нима нарса мажбур этди? Уларга қандай фикрлар уйғотди? Шу муносабат билан уларда қандай савол туғилди? Қисқаси, матнни ўқиркан, ўқувчилар вақти-вақти билан тўхташлари ва ўзларининг қўшалок кундаликларида шундай белгилар қўйиб боришлари керак.

Кўйида ана шундай икки қисмли кундалика мисол келтирамиз.

1. Сергели тумани, 266-мактабнинг 7”б” синф ўқувчиси Солиев Суннатнинг “Ерга эгалик қилиш муносабатлари” мавзуси бўйича тузган икки қисмли кундалиги.

1. Илк ўрта асрларда шаҳарларда аҳолининг гавжумлашуви, хунармандчилик, ички ва ташқи савдонинг ривож топиши билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёж ортиб борди.	Бу эса қишлоқларнинг нуфузи кўтарилишига олиб келди. Бир томондан, зироаткор майдонларга бўлган муносабат, уларга эгалик қилиш шакли аста-секин ўзгара бошлади. Иккинчи томондан эса, ўтроқ зироаткор аҳоли билан чорвадор қабилалар ўртасидаги алоқалар ривожланади.
2. Деҳқончилик учун яроқли обикор ерларга бўлган талаб ошиши билан катта ер эгалигига асосланган мулкдорлар табақаси шаклланди.	Улар қишлоқларда ўз таъсир доирасини кенгайтириб деҳқон деган ном олди. Бу сўз “қишлоқ ҳокими” маъносини англатади.
3. Бу даврда ҳар бир катта ер эгасининг 30-40, 50-100 ва баъзан	Чоқар – деҳқоннинг ҳаётини ва мол-мулкини қўриқловчи, ҳарбий

ундан ортиқ чокари бўлган.	посбон.
4. Мамлакатда ерга эгалик қилиш муносабатларининг шаклланиши билан қишлоқ жамоалар ичида кашоварз ва кадивар каби табақалар пайдо бўлди.	Кашоварз – оддий зироаткор аҳоли. Кадивар – қишлоқнинг деҳқонларга қарам аҳли.

Энг муҳим атамалар. Ушбу усул ўқувчиларни мустақил ишлашга йўналтиради. Бунинг учун ўқитувчи янги мавзуга доир бир нечта тушунчаларни ажратиб олиб, ўқувчиларга тақдим этади. Ўқувчилар эса ўқитувчи ёрдамида ушбу тушунчаларни ҳар бирига мустақил тарзда изоҳ ёзадилар. Сўнг ўқитувчи ана шу тушунчаларга таяниб мавзунини баён этади. Ўқувчилар айтилганларни ўз ёзганлари билан солиштирадилар. Мунозарали тушунчаларни биргаликда ҳал этадилар.


Тарих дарсларида бу методдан фойдаланиш имконияти юқори даражада бўлиб, ўқувчиларнинг билиш фоллигини фаоллаштиришга хизмат қилади. Масалан, 7-синф Ўзбекистон тарихи дарсида “IX-X асарларда ер-мулк муносабатлари” мавзуси бўйича ўқитувчи ўқувчиларга қуйидаги тушунчаларни тақдим этади:

- 1)мулки султоний;
- 2)мулки хос;
- 3)мулк ерлари;
- 4)вақф ерлари;
- 5)иқто ерлари;
- 6)жамоа ерлари;

Энг муҳим атамалар, такрорлаш.

Матнни ўқиш олдидан умумий қилиб тушунтириш ва улар муайян контекстда қандай ишлатилиши хусусида фараз қилиш сўралган ўқувчилар энди, ўқишдан сўнг, улар амалда қандай қўлланилишини баён этиб

беришлари керак. ўзларига ёрдам тариқасида улар атамаларни кластерлар билан ўрашлари мумкин. Масалан, 7-синф ўқувчилари тарих дарсида “ерга эгалик қилиш” атамасини қуйидагича кластерларга бўлишлари мумкин:



Таълим жараёнида ўқувчилар томонидан эгалланган билимларни амалиётда қўллаш билиш фаоллигини фаоллаштиришда катта аҳамият касб этади.

Машқлар методи ёрдамида малака ва кўникмалар шакллантирилади. Бу метод моҳияти ўқувчиларнинг кўп маротаба амаллар ўтказиши, яъни ўзлаштирилган материални қўллашни машқ қилиш ва шу йўл билан ўз билимларини чуқурлаштириши, тегишли малака ва кўникмаларни эгаллаши, шунингдек, фикрлаш ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришдан иборат. Мазкур таърифдан келиб чиқадики, машқлар, биринчидан, онгли характерга эга бўлиши ва ўқувчилар материални яхши англаган ва ўзлаштиргандан сўнг ўтказилиши лозим; иккинчидан, улар билимларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилиши керак; учинчидан, ўқувчиларнинг ижодий қобилиятлари ривожига кўмаклашиши шарт.

Ўқувчиларда ишланиши лозим бўлган малака ва кўникмалар характери ҳам машқ фаолиятини ташкил этишга таъсир ўтказади. Бу нуқтаи назардан **тарих фанида хронологик саналарни ёд олиш жадвалларни тўлдириш, шажаралар тузиш ва шу каби машқлардан фойдаланилади.**

Билимларни амалиётда қўллаш бўйича машқлар ўтказишда малака ва кўникмаларни шакллантириш жараёнида қўлланадиган методлар жиддий аҳамият касб этади. Булар:

- биринчи - ўқитувчининг ўқувчилар эгаллаган назарий билимларга таяниб, машқ фаолияти мақсади ва вазифаларини тушунтириши;
- иккинчи – у ёки бу машқни бажариш тартибининг ўқитувчи томонидан намоёниши;
- учинчи - ўқувчилар томонидан билимларни амалда қўллаш бўйича ҳаракатларнинг дастлабки қайта яратилиши;
- тўртинчи - ўқувчиларнинг эгаллаган амалий малака ва кўникмаларни такомиллаштиришга қаратилган машқ фаолияти.

Албатта, бу босқичлар ҳамма вақт етарлича аниқ намоён бўлмайди, аммо бу босқиччилик исталган малака ва кўникма ҳосил қилиниши учун хос.

Машқ танлаганда улар фақат тақлиддан иборат бўлмай, ижодий характерга эга бўлиши, ўқувчилардан топқирлик, фикрлаш, у ёки бу вазифа

(масала)ни ечишда ўз йўллариини излашни талаб этишига эришиш муҳим. К.Д.Ушинский таъкидлаганидек, ҳар қандай тақлид ундан мустақил фаолият келиб чиқсагина фойдали.¹ Л.В.Занков таъкидлашича, ўқувчиларнинг билим эгаллаши ва машқлари асосида фақат қайта яратувчи фаолият ётар экан, фикрлаш ва фаолият гўё олдиндан солинган йўл бўйлаб боради. Бу нафақат ўқувчилар ақлий ривожига ёрдамлашмайди, ҳатто айрим ҳолларда уни тормозлайди ҳам. Улар фактик материални чуқур таҳлил қилишига ўрганмай, ахборот ва уни амалда қўллаш усуллариини механик ёд олишга интиладилар.²

Бошқа томондан, ўқитувчи ўқувчиларнинг машқ фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларни ҳам билиши лозим. Машқлар, айниқса, улар ижодий ўтказилса, психология ва педагогикада билимларни кўчириш деб ном олган ҳодиса билан боғлиқ. Унинг моҳияти ўқувчилар ўқув иши жараёнида ўзлаштирилган фикрлаш операциялари, малака ва кўникмаларни янги материалга кўчириши, яъни уларни бошқа шароитларда қўллашга тўғри келишидадир. Н.А.Менчинская ўқувчилар мисол ва фактлар асосида назарий хулосалар қилиши, қоидаларни ифодалаши осон ва бу хулосаларни янги мисол ва фактларни тушунтириш учун қўллаш анча қийин кечишини таъкидлаган.

Бу ҳолат баён қилинган материални мустаҳкамлаш бўйича ўқув ишларининг маълум мантиқи ва тартибини белгилайди. Янги билимларни амалиётда қўллаш бўйича дастлабки машқлар, одатда, ўқитувчи намоишидан бошланади. ўқитувчи баён қилинган материални мустаҳкамлашга кўчиб, дастлаб ўқувчиларга оддий топшириқлар беради ва уларни қандай бажариш зарурлигини кўрсатади. Бу топшириқларни бажариш кўпроқ қайта яратиш характериға эға, чунки ўқувчилар ҳаракатлари кечиши ўқитувчи томонидан берилади. Кейин малака ва кўникмалар эгаллангани сари машқлар мараккаблаштирилади. Улар ўзида маълум янгиликка эға

¹ Харламов И.Ф. Педагогика - с. 208.

² Ўша китоб. – 208 б.

бўлиши ва ўқувчилардан билимларни қўллашга диққат билан ва ижодий ёндашувни талаб этиши лозим.

Машқларни ташкил этишнинг бу каби методикаси ўқувчиларнинг ақлий ривожланишини интенсивлаш вазифаси қўйилган бугунги кунларда алоҳида аҳамиятга эга. Лекин машқлар улар ижодий топшириқларни ўз ичига олсагина, ўқувчидан фикрнинг нетривил бурилишларини фикрлаш, ақлий мустақилликни талаб этсагина ривожлантирувчи характер бахш этиши мумкин. Ана шу жиҳатларни ҳисобга олиб биз қуйида бир нечта ана шундай машқларга мисоллар келтирамиз.

Эркин ёзиш.

Ўқувчиларга беш минут ичида “Улугбек фожеаси” мавзуси бўйича ўз хаёлларига келган барча нарсаларни тўхтамасдан ёзишни таклиф қилиш мумкин. Беш минут тугаганида (эслатма, беш минут тугади деб эълон қилинг ва ишни тугаллаш учун яна бир минут вақт беринг, зеро қизиқарли фикрлар одатда танг вазиятларда туғилади) уларга ўз ёзганларини шерикларига ўқиб беришини таклиф этиш мумкин.

Мазкур босқичда ўқитувчининг ихтиёрида кўп имкониятлар бўлади. Масалан жуфтликларга ўз фикрларини бутун гуруҳ билан ўртоқлашишни таклиф этиш ва гуруҳий ақлий ҳужум вазиятини яратиш мумкин.

Беш минутлик эссе.

Ёзма топшириқнинг ушбу тури ўқувчиларга ўрганилаётган мавзуга доир ўз билимларини якунлашда ёрдам бериш ва ўқитувчига ўз ўқувчилари нималарни ўйлаши хусусида ёрдам бериш мақсадида қўлланилади. Аниқ қилиб айтганда, ўқувчилардан қуйидаги икки топшириқни бажариш: мазкур мавзу бўйича улар нималарни ўрганганларини ёзиш ва улар барибир жавобини олмаган битта савол бериш сўралади.

Ўқитувчи дарҳол ёзма ишларни йиғиштириб олади ва улардан кейинги дарсни режалаштиришда фойдаланиши мумкин.

Концептуал жадвал. Ёзма иш олдидан материални уюштиришнинг яна бир усули бор, бу – концептуал жадвал. Учта ва ундан кўп жиҳатлар ёки саволларни таққослаш тақозо этилганида ушбу усул айниқса фойдали бўлади. Жадвал қуйидагича тузилади: вертикал бўйича таққосланадиган нарсалар, горизонтал бўйича эса – ушбу таққослаш бажариладиган хусусият ва хоссалар жойлаштирилади.

Масалан концептуал жадвал орқали Ҳиндистондаги табақаларни таққослаб кўрсатиш мумкин.

Табақалар	Қайси гуруҳ вакили эканлиги	Табақасининг барқарорлиги	Турмуш тарзи даражаси
Брахманлар	Йирик ер эгалари, коҳинлар ва амалдорлар, аслзодалар	Доимий	Энг юқори
Кшатрийлар	Ҳарбийлар, жангчилар тоифаси	Доимий	Нисбатан юқори
Вайшилар	Дехқонлар	Доимий	Ўртача
Шудралар	Хизматкорлар, хунармандлар	Доимий	Паст

Т-чизмалар. Т-чизма мунозара вақтида қўшалоқ жавоблар (ҳа/йўқ, тарафдор/қарши) ёки таққослаш, зид жавобларни ёзиш учун универсал график органайзер ҳисобланади. Масалан “Хоразмшоҳнинг мудофаа режаси” матнини “тарафдор ва қарши” принципига асосланиб ўқилганидан сўнг, бир жуфт ўқувчи қуйида келтирилганидек Т-чизмани тузиши ва беш минутдан кейин, чизманинг чап томонида Хоразмшоҳлар давлатининг сақлаб қолиниши учун беш минут ичида қанча ўйлаб топиш мумкин бўлган шунча сабабни ёзиши мумкин. Сўнгра беш минут мобайнида улар бу фикрга қарши иложи борида кўп сабабни келтиришлари керак. Ана шу вақт охирида улар

яна беш минут мобайнида ўз Т-чизмаларини бошқа жуфтлик чизмалари билан таққослашлари мумкин.

Хоразмшоҳлар давлатининг сақланиб қолиш сабаблари	Хоразмшоҳлар давлатининг сақланиб қолишига қарши сабаблар
Хоразм давлати кўп сонли туркий гвардия ва яхши қуролланган кўнгиллилар лашкарига эга эди. Мамлакатда қамал қуроллари ва уларни ишлатишни яхши биладиган моҳир сарбозлар кўп эди. Аскарларнинг умумий сони жиҳатидан ҳам шубҳасиз Хоразмшоҳ бирмунча устунроқ эди.	Подшоҳ билан мансабдорлар ўртасидаги келишмовчиликлар. Подшоҳ билан саркардалар ўртасидаги мавжуд ихтилофлар. Кенгашда душманга қарши зарба беришнинг ягона режасини яқдиллик билан белгилаб олинмаганлиги. Ҳарбий кенгашда бўлажак урушда кўшинни тарқатиб, мудофаа тактикаси қўлланди.

Ўқув – билиш фаолиятини назорат қилиш ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчиларнинг билимлари, малакаларини назорат қилиш, баҳолаш ташҳиснинг зарурий таркибий қисмлари сифатида киритилади. Булар педагогик технологиянинг анча қадимий усуллари дир. Ана шу назорат ва баҳолаш мактабнинг ривожланишига доимий ҳамроҳ бўлиб келган.

Педагогикадан яхши маълумки, ўқувчиларнинг фаолиятини ҳисобга олиш методлари оғзаки, ёзма, тест ҳамда амалий топшириқларни бажаришга асосланган бўлиши мумкин. Бугунги кунда бошқа ўқув-билиш фаолиятини назорат қилиш ва баҳолашнинг методлари билан бирга тест усулидан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Унинг афзалликлари ҳам ҳаммага бирдай аён. Бизни эса тестнинг янада самарали шакллари мактаб таълими жараёнига тадбиқ этиш масаласи қизиқтириб келмоқда. Ўз фаолиятимизда синовдан

ўтказган ана шундай тест шакллари кенг педагоглар ҳукмига ҳавола этишни лозим деб топдик.

1. Ижодий тест. Ушбу технологиянинг мақсади қайта тиклаш мақсадида билим ва малакаларни текшириш ҳамда берилган саволга ижодий жавоб бера олиш малакасини аниқлашдан иборат.

Ўқитувчи текшириш ўтказиш учун саволларни тайёрлайди. Саволлар очик характерга эга бўлади, яъни уларга жавоблар келтирилмайди.

Ижодий тестларда саволларнинг турли хил шакллари мавжуд:

1.Керакли сўзни топиб қўйинг.

VIII аср ўрталарида Еттисув ўлкасида ... ташкил топди.

2.Саволга жавоб беринг.

Ўғузлар давлатининг пойтахти қайси шаҳар бўлган?

3.Гапни давом эттиринг.

813 йилда Тоҳир ибн Ҳусайн бошчилигида Боғдодга юриш қилиниб, пойтахт қўлга киритилади. Маъмун халифалик тахтига ўтказилади. Бунинг эвазига ...

Ижодий тестлардаги ижобий ҳолатлар ижоддаги эркинликдир, ўқитувчи эса ўқувчиларнинг билимларини анализ, синтез, умумлаштириш имкониятига эга бўлади.

Ижодий тестга жавоб топишнинг тестдан (оддий тест) фарқи шундаки, билим ва малакани қайта тикланишини аниқлайди. Шу сабабли, улар ўқувчилар учун бироз мураккаброқ ва чуқурроқ текшириш хусусиятига эга. Шунинг учун бундай саволлар оддий саволларга (жавоблари билан бирга бериладиган тест назарда тутиляпти) қараганда катта аҳамиятга эга.

2. Ёпиқ жавобли тестлар. Ушбу технологиянинг мақсади ўқувчиларнинг билим, малака, кўникмаларини ўзлаштира олишлари мумкин даражада назорат қилиш, ўқувчиларнинг холис баҳолаш ҳақидаги фикрларини шакллантиришга қаратилган.

Тайёрлов босқичида ўқитувчи тест тузади. Уларни билим, малака, кўникмаларни текширишга жавоб бера олишига эътибор қаратади.

Ўқувчиларнинг вазифаси тўғри жавобларни танлаб олишдан иборат. Тўғри жавобни турли хил усулларда белгилаш мумкин.

1.Тўғри жавоб берилган ҳарфни белгиланг. Ўқувчилар савол рақамини олдида тўғри жавобнинг ҳарфини ёзиши мумкин. Масалан:

Амлок нима?

a) хусусий ер; b) давлат мулки; c) масжидларга тегишли ерлар; d) инъом этилган ер.

Ўқувчилар саволни ўқийди ва тўғри жавобни белгилайди. Белгиланган тўғри жавобни савол рақами олдида қўяди. Масалан:

в.1. a) хусусий ер; b) давлат мулки; c) масжидларга тегишли ерлар; d) инъом этилган ер.

2. Агар берилган фикрни маъқулласангиз “ҳа”; маъқулламасангиз “йўқ” жавобини танланг.

Масалан: Неолит бу ...

ўрта тош асри	ҳа	йўқ
янги тош асри	ҳа	йўқ
кулолчилик пайдо бўлган	ҳа	йўқ
деҳқончилик вужудга келган	ҳа	йўқ
ўқ-ёй кашф этилган	ҳа	йўқ

Тўғри жавоб: йўқ, ҳа, ҳа, ҳа, йўқ.

Агар ҳамма жавоблар тўғри бўлса, жавоб умумий тарзда ҳисобга олинади, агар фақат биттаси тўғри бўлса, у ҳолда 0,5 балл қўйилади.

3. 1 ва 2 устунлардаги ёзилганларини тўғри танлаб олинг. Ўқувчилар тўғри жавобнинг рақамини ҳарф қаршисига қўйишади.

1 устун	2 устун
---------	---------

A. “Абдулланома”	1. Гардизий
B. “Зафарнома”	2. Ҳофиз Таниш Бухорий
C. “Нодир воқеалар”	3. Аҳмад Дониш
D. “Зайнул ахбор”	4. Шарофуддин Али Йаздий

Тўғри жавоб:

A. 2

B. 4

C. 3

D. 1

4. Солиқ турларини ифодаламайдиган сўзни топинг

A) закот

B) хирож

C) алғут

D) вақф

E) ушр

Тўғри жавоб: D

5. Тўғри кетма-кетликда қўйиб чиқинг, рақам қаршисига тегишли ҳарфни кўйинг.

1. A - палеолит

2. B - неолит

3. C - бронза

4. D - энеолит

5. E - темир

6. F – мезолит

Тўғри жавоб:

1. A

2. F

3. B

4. D

5. C

6. E

Тест натижаларини турли усулда баҳолаш мумкин. Синфда тезда текшириш учун ўқитувчи ёрдамчи олиши мумкин. Энг яхши шакли ўқувчилар жавобларни белгилаб бўлгач, ўқитувчи тўғри жавобларни айтади, ўқувчилар ўз жавобларини текшириб оладилар ҳамда белгиланган мезон асосида ўзларига баҳо ҳам қўядилар. Ушбу тест шаклининг ижобий хусусияти тезда тўғри жавобни белгилаш ва текшириш имконини беради. Уларнинг камчилик томони ўқувчиларнинг ижодий имкониятларини чегаралаб қўяди. Жавоблар қисқа кўринишда, тўлиқ жавоб берилмайди.

Тестнинг бу биргина камчилиги унинг аҳамиятини камайтирмайди. Улардан ҳамма фанлар учун назоратнинг бошқа шакллари билан бир қаторда фойдаланса бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш йўллари кўп қиррали, турли-туман бўлиб, ўқитувчи учун катта қулайликлар яратади. Улардан оқилона ва мунтазам равишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

IV. ТАРИХ ДАРСЛАРИДА ЎҚИТИШНИНГ ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРИ ЁРДАМИДА БИЛИШ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ТАЖРИБАСИДАН

Ўқитиш ва билимларни эгаллашнинг бутун жараёнини яратиш, қўллаш ва белгилашнинг системали методи (педагогик технология) билиш фаоллигини ошириш учун янги имкониятлар яратади. Педагогик технология «ядро»си — ўқитувчи мақсади ва таълим олувчилар вазифаларини лойиҳалаштириш бўлса, мустақил фикрлашни (билиш фаоллигини ошириш орқали) ривожлантириш методлари эса муайян ўқув фанида режаланган мақсадларни самарали реализациялаш имконини беради, ўқувчиларнинг яхши асосланган қарорларини яқка тарзда қабул қилиш имконини беради ҳамда фикрлаш қобилиятини ўстиради.

Таълимнинг интерфаол методлари ўқувчиларнинг улкан таълимий кудратидан фойдаланиш ва фаоллаштириш, ўқув жараёнига мусобақа элементларини киритиш имконини беради: таълим олувчилар гуруҳининг ақлий кучи унинг аъзолари кучи йиғиндисидан кўпроқ (яъни гуруҳ натижаси индивидуал натижалар йиғиндисидан доимо ортиқ).

Таълимнинг интерфаол методлари таълимда янгиликлар сирасига киради. К.Ангелевский фикрича, «... барча давлатлар таълимга имкон қадар кўп янгилик киритишга интилмоқда... Бугунги янгиликлар уларга уюшган, режали, оммавий... ёндашувни талаб этади. Янгиликлар келажак учун узоқ муддатли инвестициялардир... Новаторликка қизиқиш уйғотиш, янгилик яратишга интилувчан шахсни тарбиялаш учун таълимнинг ўзи янгиликларга бой бўлиши, унда ижодкорлик руҳи ва муҳити ҳукм суриши лозим»¹.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, кўплаб асосий методик инновациялар таълимнинг интерфаол методларини қўллаш билан боғлиқ. Интерфаол ва интерактив сўзлари бир хил маънода бўлиб, интерактив сўзи

¹ Педагогические технологии: понятия, принципы и методы внедрения: Сб. материалов из Интернета./ Сост. С.Махкамова. — Ташкент, 2003. — С.26.

инглизча «inter» - «биргаликдаги» ва «act» - «ҳаракатланиш» сўзларидан олинган. Интерактивлик биргаликда ҳаракатланиш ёки суҳбат, диалог режимида нимадир (масалан, компьютер) ёки кимдир (ўқитувчи) билан бўлиш демакдир. Бундан келиб чиқадики, интерактив таълим – аввало диалогли таълим бўлиб унинг давомида ўқитувчи ва ўқувчи, ўқувчи ва компьютер ўзаро ҳамкорлиги амалга оширилади.

Маълумки, ўқув ишининг фаол ва гуруҳли методлари анъанавий педагогикада аввал ҳам қўлланилган, бироқ XX аср охири – XXI аср бошларида уларнинг кенг микёсда қўлланилишига педагогикадаги янги йўналиш – танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш кучли туртки бўлди. Танқидий фикрлаш асослари доирасидаги Чорлов (даъват) – Англаш – Фикрлаш босқичларида таълимнинг ўнлаб янги стратегия, метод ва усуллари, жумладан интерфаол методлар ишлаб чиқилган.

Биринчи босқич **даъват босқичи** деб аталади. Бу босқичда фаолиятнинг бир нечта билим берувчи муҳим турлари амалга оширилади. Биринчидан, ўрганувчи мазкур мавзу тўғрисида билганларини тиклашда фаол иштирок этади. Бу эса уни ўз билимларини таҳлил қилишга ва тез орада батафсил кўриб чиқиладиган мавзу ҳақида ўйлашни бошлашга мажбур этади.

Бошқа иккита босқич тушунтирилганидан кейин дастлабки ҳаракатнинг аҳамияти равшанроқ бўлади.

Бироқ қуйидаги вазият жуда катта аҳамиятга эга, чунки ушбу дастлабки ҳаракат орқали ўқувчилар янги билимлар қўшилиши мумкин бўлган ўз билимлари даражасини аниқлайди. Бу жуда муҳим, чунки билим, агар у одам билган ва тушунганлар контекстида олинган бўлса, пухта бўлади. Агар ахборот ўқувчига контекстсиз ёки унда бўлган билимлар билан боғланмасдан таклиф этилса, тез йўқолиб кетади.

Даъват босқичининг дастлабки мақсади – янгиларини маълум бўлганлар билан боғлашдир. Ўрганаётганларга илгариги билим ва тасаввурларини

тиклашда ёрдам бериб, янги ахборотларни узоқ муддатга тушуниш учун жуда кенг асослар яратиш мумкин.

Даъват босқичининг иккинчи мақсади – ўрганаётганларни фаоллаштириш. Бу босқич бугунги кун мактаб ўқувчилари учун ҳам жуда муҳим. Чунки кўп ҳолларда ўқувчилар синфларда доимо ўзича берилиб гапираётган ўқитувчиларини тинглаб, бекор, ниманидир «чизиб» ёки ўзига тегишли нарса ҳақида ўйлаб пассив бўлиб ўтирадилар. Аслида ўқувчилар янги ахборотни онгли, пухта тушунишлари ва янги ахборотга танқидий ёндашишлари учун таълим жараёнида фаол қатнашишлари лозим. Ўқувчи белгиланган мақсад асосида ўйласа ва фикрларини ўз сўзлари билан ифодаласа, иштирок шундагина фаол бўлади. Шундай қилиб, бу босқичда илгари олинган билимлар англаш даражасига кўтарилади.

Узоқ муддатли тушуниш – олдинги тасаввурларни янги ахборотлар билан боғлаш жараёни бўлганлиги сабабли, даъват босқичининг учинчи мақсади жуда муҳимдир. Бу босқичда навбатдаги мавзунини кўриб чиқишга қизиқиш туғдирилади ва мақсад аниқланади. Қизиқиш ва мақсад эса, ўқувчилар фаолиятини қувватлаб туриш учун муҳимдир. Тадқиқотчи олимларнинг фикрича, аниқ мақсадга йўналтирилган ўқиш, мақсади аниқ бўлмаган ўқишдан самаралироқдир. Буни синфда аниқлаш жуда муҳим, чунки зиддиятликлар шахсий саволларга олиб келиши мумкин, шахсий саволлар ўқиш ва тушуниш учун қудратли ҳаракатлантирувчи кучга айланиши мумкин. Америкалик тадқиқотчи Персон, тушунишнинг ҳақиқий таърифи – «ўз саволларига жавоб олиш» ҳисобланади деган маъқул фикрни таклиф қилади.


Даъват босқичининг ушбу уч мақсадини амалга ошириш учун қуйидаги методлардан фойдаланиш мумкин: **чалкаштирилган мантиқий занжирлар, эркин ёзиш, кластерларга бўлиш, семантик хусусиятлар таҳлили, эркин ёзиш ва бошқалар.**

Иккинчи босқич – **англаш**. Бу босқичда ўрганувчи янги ахборот ёки фикрлар билан мулоқотга киради. Бу яна ўқитишнинг ўқитувчилар ўрганувчиларга энг кам таъсир қиладиган босқичи ҳамдир.

Англаш босқичининг асосий вазифаси, биринчидан, даъват босқичида яратилган қизиқиш ва ҳаракатланиш инерцияси, фаолликни қўллаб-қувватлашдан иборат. Иккинчи муҳим вазифаси ўрганувчиларда ўз тушунишини кузатишга доир интилишларини қўллаш ҳисобланади.

Бу босқичда ўқувчилар ўз тушунишларини кузатиб, янги ахборотни ўзларидаги тасаввурлар билан солиштирадилар. Улар онгли равишда янгиларини аввал маълум бўлганлари билан боғлайдилар. Қуйида биз кўрсатганимиздек, улар янги тушунишни яратиш учун эски ва янги билимлар орасида кўприклар қурадилар.

Мавжуд ва янги билимлар ўртасидаги боғланиш.



Англаш босқичида ҳам бир қанча интерактив методлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар: **бир-биридан сўраш, бир-бирига ўргатиш, ўқитиш бўйича қўлланма, икки қисмли кундаликлар.**

Учинчи босқич – **фикрлаш** босқичи. Ўқитиш жараёнида, кўпинча бу босқич ташлаб кетилади, лекин у ҳам бошқаларига ўхшаб жуда муҳимдир.

Олимларнинг фикрича, айти шу вақтда ўқувчилар янги билимларни мустаҳкамлайдилар ва янги тасаввур ва тушунчаларни аввал ҳосил бўлганларига қўшиб ўзгартирадилар. Айнан шу босқичда ўқувчилар ҳақиқатан янги бўлган билимларни ўзлаштирадилар. Бу босқичда одам учун узок вақт хизмат қиладиган таълим ўз ўрнини топади.

Фикрлаш босқичининг аҳамияти шундаки, бу босқичда бир нечта муҳим мақсадларга эришиш йўллари режалаштирилган. Биринчи навбатда

ўқувчилар янги фикр ва ахборотларни ўз сўзлари билан ифодалашга ҳаракат қилиб кўришлари керак. Чунки агар кишига эслаб қолиш керак бўлса, тез унутади, агар тушуниш керак бўлса – эслаб қолади.

Ўқитиш жараёнидан маълумки, ўқувчилар ҳаммадан ҳам ўз контекстида тушунганларини, ўз сўзлари билан ифодасаларгина яхшироқ эслаб қоладилар.

Бу босқичнинг иккинчи мақсади ўқувчилар ўртасида фикрлар билан жонли алмашув ҳисобланади, бу уларга тезлик билан сўз бойлигини кенгайтиришга ҳамда бошқа ўқувчиларнинг тасаввурлари билан танишишга имкон беради.

Бу босқичда ҳам бир қанча интерфаол методлардан фойдаланиш мумкин. Масалан: **энг муҳим атамалар, такрорлаш, ўқитиш бўйича қўлланма, такрорлаш, икки қисмли кундаликлар, такрорлаш, ўйланг/ жуфтликларда ишланг/ фикр юритинг, сўнгги сўзни менга қолдиринг, беш минутлик эссе ва бошқалар.**

Ушбу босқичлар айнан билиш фаолияти босқичларига тўғри келганлиги боис биз мазкур босқичларнинг ҳар бири учун ишлаб чиқилган стратегиялардан фойдаланган ҳолда тарих дарсларида ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш тажрибасидан намуналар келтираимиз.

Мана бир неча йилдирки, тарих дарсларида ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш юзасидан тадқиқот олиб бормоқдамиз. Бироқ назарий маълумотлар амалиёт билан уйғунлашсагина, бизнинг барча фикрларимиз билиш фаоллигини ошириш учун хизмат қилади. Ана шу мақсад йўлида муттасил изланишлар олиб борилиб бир нечта умумий ўрта таълим мактабларида бу борада қатор ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Сергели туманидаги 266 ҳамда 301-мактаблардаги амалий ҳаракатлар кутилган натижаларни берганлиги боис уларни оммалаштириш мақсадида турли семинар, конференция ҳамда танловларда қатнашиб иштирокчилар олқишига

сазovor бўлдик. Қуйида ана шу дарсларни кенг ўқитувчилар оммаси эътиборига ҳавола этишни маъқул деб топдик.

Маълумки, мактабларимизда тарих дарси 5-синфдан ўқитила бошлайди. Лекин 6-синфдан бошлаб ўқувчилар тарих фанини илмий асосда ўрганишга ўтадилар. Бу эса ўқитувчи олдига дарсни ҳар томонлама пухта, аниқ, олинадиган натижани олдиндан лойиҳалаш вазифасини кўндаланг қўяди. Шу сабабли аввало 6-синфда «Ўрта Осиё аҳолисининг Юнон-македон босқичларига қарши кураши» мавзусида ўтилган машғулотга тўхталсак.

Дарсининг ташкилий қисмида ўқувчиларни йўқлама қилиб, сўнг уларни қисқача дунёда ва юртимизда бўлаётган воқеаларга эътибори қаратилди.

Ўқувчиларни олтита гуруҳга бўлиб, ҳар бир гуруҳни номлаб олдик:

- 1 гуруҳ – «массагетлар»;
- 2 гуруҳ – «саклар»;
- 3 гуруҳ – «сўғдийлар»;
- 4 гуруҳ – «бактрияликлар»;
- 5 гуруҳ – «хоразмликлар»;
- 6 гуруҳ – «марғиёналиклар».

Шундан сўнг ўқувчиларни дарсга чорлаб олиш мақсадида уларга «Чалкаштирилган мантикий занжирлар» усулидан фойдаланиш таклиф этилди. Уларга бу босқичда нима қилишлари кераклигини қуйидагича тушунтириб ўтдик: «Азиз ўқувчилар! Сиз ўқув йилининг бошидан буён Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даври билан танишиб келаяпсиз. Энг қадимги давр тарихини археологик даврлаштириш асосида ўрганиб чиқдингиз. Доскага эътибор қилган бўлсангиз анна шу археологик даврлаштиришнинг бештасини номи ўз аксини топган: «Палеолит», «Мезолит», «Неолит», «Энеолит», «Бронза». Тенгдошингиз Акбарнинг кўлида эса шу даврларни акс эттирувчи мантикий фикрлар ёзилган варақчалар чалкашган ҳолда турибди. Ҳар бир гуруҳдан биттадан ўқувчи навбат билан чиқиб улардан бирини олиб занжирдаги қайси ўринга қўйиш

лозимлигини айтади. Қайси даврга тегишли бўлса, шу «занжир» олдидаги котиба қиз ватман қоғозга ёзиб қўяди».

Ана шундай тушунтиришдан сўнг ўқувчилар қуйидаги фикрларни мантикий занжирдаги тўғри ўринга қўйиб чиқишди:

1. Қадимги тош асри.
 2. У учта даврни ўз ичига олади: илк, ўрта, сўнгги.
 3. Бу даврда инсоният тўла шаклланиб бўлди.
 4. Ўрта тош асри.
 5. Милоддан аввалги 12-7 минг йилликларни ўз ичига олади.
 6. Бу даврда ўқ-ёй кашф этилган.
 7. Ҳайвонларни қўлга ўргатила бошланган.
 8. Янги тош асри.
 9. Милоддан аввалги 6-4 минг йилликларни ўз ичига олади.
 10. Бу даврда термачилик ва овчиликдан деҳқончилик ва чорвачиликка ўтилди.
 11. Бундан ташқари кулолчилик, тикувчилик, тўқувчилик ҳам пайдо бўлди.
 12. Милоддан аввалги 4-3 минг йилликларни ўз ичига олади.
 13. Мис-тош асри.
 14. Жез-қалай – қўрғошин аралашмаси.
 15. Милоддан аввалги 3-2 минг йилликларни ўз ичига олади.
 16. Бу даврда биринчи ижтимоий меҳнат тақсимооти содир бўлди.
- Натижада қуйидагича мантикий занжирлар кетма-кетлиги ҳосил бўлди:

Палеолит	Мезолит
Қадимги тош асри.	Ўрта тош асри.
У учта даврни ўз ичига олади: илк, ўрта, сўнгги.	Милоддан аввалги 12-7 минг йилликларни ўз ичига олади.
Инсоният тўла шаклланиб бўлди.	Ўқ-ёй кашф этилган.
	Ҳайвонлар қўлга ўргатила

	бошланган.
Неолит Янги тош асри. Милоддан аввалги 6-4 минг йилликларни ўз ичига олади. Деҳқончилик ва чорвачилик пайдо бўлди. Кулолчилик, тикувчилик, тўкувчилик пайдо бўлди.	Энеолит Мис-тош асри. Милоддан аввалги 4-3 минг йилликларни ўз ичига олади. Сунъий суғориш кашф этилди.
Бронза Мис-қалай – кўрғошин аралашмаси. Милоддан аввалги 3-2 минг йилликларни ўз ичига олади. Бу даврда биринчи ижтимоий меҳнат тақсимооти содир бўлди. Деҳқончиликдан ҳунармандчилик ажралиб чиқди.	

Мазкур босқични ниҳоясига етказгач, кейинги босқич – Англаш босқичига ўтдик. Дастлаб янги мавзуни эълон қилдим. Мавзу режаси ва асосий тушунчалар экранда намойиш қилинди. Экранда қуйидаги ёзувлар ҳосил бўлди.

Мавзу: *«Искандар Зулқарнайн босқинига қароши кураш»*

Режа:

1. Ўрта Осиё халқларининг қурол-яроғи ва ҳарбий санъати.
2. Македониялик Искандарнинг истилочилик юришлари.
3. Мароқанда – Самарқанднинг босиб олинishi.
4. Спитамен кўзғолони (милоддан аввалги 329-327 йиллар).
5. Мустақиллик учун кураш давом этади.
6. Македониялик Искандар босқинининг оқибатлари.

Таянч тушунчалар:

1. Ақинак	7. Мароқанда
2. Сагарис	8. Кирополис
3. Баргустивон	9. Хориен
4. Окс	10. Оксиарт
5. Арасту	11. Александрия Эсхата
6. Навтака	12. Эллинлаштириш

Янги мавзуни ўрганиш учун **«Бир-бирига ўргатиш усули»**ни амалга оширдик. Яхши маълумки, бошқаларга ўргатганда, ўзинг осонроқ ўрганиб асосан «Бир-бирига ўргатиш усули» анна шундан келиб чиққан. У ўқувчиларга ўқитувчининг ўрнида бўлиш ва бошқаларни матн устида мақсадида ўтказилади. Ана шу мақсаддан келиб чиқиб гуруҳларга режалар бўлиб берилди:

«Массагетлар» гуруҳига – «Ўрта Осиё халқларининг қурол-яроғи ва ҳарбий санъати».

«Саклар» гуруҳига – «Македониялик Искандарнинг истилочилик юришлари».

«Сўғдийлар» гуруҳига – «Мароқанда-Самарқанднинг босиб олиниши».

«Бақтрияликлар» гуруҳига – «Спитамен кўзғолони».

«Хоразмликлар» гуруҳида - «Мустақиллик учун кураш давом этади».

«Марғиёналиклар» гуруҳига – «Македониялик Искандар босқинининг оқибатлари».

Режалар бўлиб бериладиган пайтда, гуруҳ аъзолари орасидан уларнинг розилиги асосида «ўқитувчилар» тайинлаб олинди. Сўнг ҳар бир гуруҳ «ўқитувчи»сига улар амалга ошириши лозим бўлган «тўрт қадам» дастурчаси тарқатиб берилди. Унда қуйидаги вазифалар белгилаб қўйилган:

1) режа мазмунини яқунлайди;

2) матн бўйича савол беради ва бошқа ўқувчилардан унга жавоб беришни сўрайди;

- 3) бошқаларга равшан бўлмаган жойларини очиб беради;
- 4) кейинги режанинг эҳтимолий мазмунини башорат қилади.

Гуруҳларга берилган матнлар кичиклигини ҳисобга олиб уларнинг тайёрланишига беш дақиқа вақт ажратилди. Вақт ниҳоясига етгач, гуруҳлар энди ўз режаларини навбат билан баён этиб беришлари билан бирга, барча гуруҳ аъзолари бир-бирларини диққат билан эшитиб боришларини илтимос қилдик. Чунки улар кейинги босқични муваффақиятли амалга оширишлари учун шундай қилишлари лозим эди.

Биринчи бўлиб «массагетлар» гуруҳи «ўқитувчи»си Исмоилова Тамила милоддан аввалги VII-VI асрлардаги Ўрта Осиё халқларининг қурол-яроғи ва ҳарбий санъати ҳақида гуруҳидаги ўқувчиларга маълумот берди. Сўнг уларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилди:

- Ақинак нима?
- Сагарис нима?
- Ўрта Осиё халқлари қадимда ўзларини душмандан қандай йўллар билан ҳимоя қилишган?
- Баргустивон нима?
- Жангчилар қандай кийимлар кийишган?

«Саклар» гуруҳи «ўқитувчи»си Абдуазизов Дониёржон македониялик Искандарнинг Ўрта Осиё юришидан олдин устози Арасту билан маслаҳатлашганини баён этиб, ўша жараёни шундай тасвирлаб берди: «Искандарнинг устози Арасту унга шундай деди:

- Искандар, сўзларимга қулоқ тут! Окс (яъни Амударё) дарёсидаги иккита подшоҳ – Кир II ва Доро I кечиб ўтди. Бироқ икаласи ҳам мағлубиятга учради. Шунинг учун «етти ўлчаб – бир кесган ҳолда иш тут».

Кейин гуруҳидагиларга бир нечта савол берди:

- Окс – бу ...
- Искандарнинг устози ким бўлган?
- Искандарнинг устози унга қандай маслаҳат берди?

«Сўғдийлар» гуруҳининг «ўқитувчи»си Рихситиллаева Ирода Искандарнинг Амударёдан кечиб ўтиши, биринчи бўлиб Бактрия давлатининг пойтахти – Бактра шаҳрини эгаллаб олишидан, милoddан аввалги 329 йилгача бўлган воқеаларни ҳаммасини айтиб ўтди. Ўз фикрини милoddан аввалги 329 йилда Мароқанда-Самарқанднинг эгаллаб олиниши билан якунлади.

Сўнг у ҳам ўқувчиларга режа юзасидан саволлар берди:

- Искандар кўшинлари Амударёдан неча кун деганда кечиб ўтди?
- Искандар кўшинлари дарёдан нима орқали ёки қандай йўл билан кечиб ўтди?
- Искандарнинг йўлини биринчи бўлиб тўсган шаҳар қайси эди?
- Навтака бу қаер?
- Мароқанда – бу ...
- Қачон Мароқанда юнон-македон кўшинларни томонидан эгаллаб олинди?

Ирода берган саволларга гуруҳ аъзолари жавоб бериб бўлгач, эътиборимизни «бактрияликлар» гуруҳига қаратдик. Гуруҳ «ўқитувчи»си Розикова Арофат юнон-македонлар зулмига қарши сўғдийлар йўлбошчиси – Спитамен бошчилигида милoddан аввалги 329-327 йилларда олиб борилган кўзғолон ҳақида гапириб, гуруҳ аъзоларининг билиш даражасини саволлар бериш орқали аниқлаб кўрди?

- Спитамен ким?
- Нега у сўғдийларни юнон-македонларга қарши курашига бошлади?
- Кўзғолон қачон бошланди ва неча йил давом этди?
- Искандар бундан олдин ҳам ўз истилочилик юришларида шундай қаршиликка учраганмиди?
- Спитамен билан Искандар ўртасидаги ҳал қилувчи жанг қачон бўлиб ўтди?
- Спитамен тақдири қандай тугади?

«Хоразмликлар» гуруҳининг «ўқитувчи»си Низомова Ирода гуруҳ аъзоларига Спитаменнинг ўлими халқнинг озодликка бўлган интилишини сўндира олмаганлигини таъкидлаб ўтар экан, Искандар маҳаллий аҳоли билан яқинлашиш йўллари қирма-қир юриб қидирди, дея ўз фикрини давом эттирди. Искандар уч йил давомида унча катта бўлмаган ҳудудни қўлга киритиб, Фарғона. Тошкент, Хоразм ўз мустақиллигини сақлаб қолганлиги билан сўзини якунлади.

Сўнг у ҳам гуруҳдаги ўқувчиларга бир нечта саволлар бериб, уларнинг тушунчаларини кенгайтиришга ҳаракат қилди:

- Искандар Ўрта Осиёни босиб олиш учун неча йил ҳаракат қилди?

- Искандар қандай йўллар билан маҳаллий аҳоли билан яқинлаша бошлади?

- У қайси ҳудудларни эгаллаб олишга муваффақ бўлди?

- Қайси ҳудудлар ўз мустақиллигини сақлаб қолди?

Ниҳоят, «марғиёналиклар» гуруҳи «ўқитувчи»си Абдурасулова Шахзода македониялик Искандар босқинининг оқибатларини ўз гуруҳига тушунтириш билан бирга бутун синфнинг диққат-эътиборини торта олди. У бу юриш оқибатида шаҳарлар вайрон бўлиб, обод воҳалар ўрнига харобалар ҳосил бўлганини айтиб ўтди. Ўз фикрини давом эттириб, Искандар бу шаҳарлар ўрнида қайтадан Александрия Эсхата, Окс Александрияси, Марғиёна Александрияси каби шаҳарлар қурдирганини ҳам таъкидлаб ўтди.

Гуруҳ аъзолари унинг барча саволларига жавоб қайтара олишди:

- Македониялик Искандар босқинининг оқибатлари, қандай бўлди?

- Искандар қурдирган шаҳарларнинг номларини санаб бера оласизми?

- Омукта сўзининг маъноси нима?

- Маҳаллий маданият билан юнон маданиятининг аралашуви қандай ижобий натижаларга олиб келди?

Гуруҳлар ўз ишини якунлагач, улар билан биргаликда хулосалар чиқардик. Сўнггра уларнинг мавзу юзасидан олган билимларини жамлаш

мақсадида – фикрлаш босқичи сифатида «Искандар Зулқарнайн босқинига қарши кураш» мавзусини кластерларга бўлишни тавсия этдим. Синфдаги бир ўқувчи доскада ватман қоғозига, қолган ўқувчилар тарқатиб берилган варақларида кластерларни ҳосил қилишга киришишди. Ундан олдин эса кластерларни тузишда бир неча асосий қоидаларга риоя қилиш кераклигини эслатиб ўтилди:

1) хаёлингизга келганларни қолдирмасдан, ҳаммасини ёзинг. Уларнинг сифати хусусида ўйламасдан шунчаки ёзинг;

2) имлога ва ёзувни секинлаштирадиган бошқа ҳолатларга эътибор берманг;

3) вақт тугамагунча, ёзишни тўхтатманг. Агар хаёлингизга фикрлар келмаса, қоғозга расм чизинг, балки янги фикрлар пайдо бўлар;

4) кўпроқ боғланишларни тузишга ҳаракат қилинг. Фикрларнинг сонини, улар оқимини ва улар ўртасидаги боғланишларни чегараламанг.

Қоидага мувофиқ, ўқувчилар мавзуни кластерларга бўлаётганда биз ҳам улар сингари худди шу ишни амалга оширдик. Бу эса ўқувчиларни ўзлари бажараётган вазифа жиддий эканлигини англаб етишларига ёрдам берди.


Бир оз вақтдан сўнг уларнинг кластер тузишлари текширилиб чиққанда, ҳаммасининг варағида боғланишлар борлигини кўриб хурсанд бўлдик. Ўқувчилар шунчалик қизиқиш билан бажарардики, ҳатто ишни тухтатишни ҳам истамадилар. Доскада ҳам мавзу қуйидагича кластерларга бўлинган эди(63-бетга қаранг).

Ана шундан сўнг дарсга умумий якун ясалди. Ўқувчиларнинг баҳолари эса рағбатлантирувчи баллар асосида қўйилди. Энг қизиғи, ўқувчиларга дарс давомида олган баҳолари эълон қилинаётган вақтда ҳам улар мавзуни кластерларга бўлишида давом этарди. Шунини ҳисобга олиб уларга ушбу топшириқни уйда тугатиш ҳамда мавзуга доир китобдаги тестларни ечишни вазифа қилиб бердик.

Дарс тугаган бўлишига қарамай, улар ўзларини қизиқтирган саволларини танаффусда ҳам беришди. Бу эса уларда билишга кучли қизиқиш пайдо бўлганини кўрсатиб турар эди.

Дарсни кузатиб борган ўқитувчилар эса шундай савол билан мурожаат этишди: «Мавзу ҳақида ўқувчилар аввалдан билимларга эга эдимиз? Чунки уларнинг деярли ҳаммаси «аъло» ва «яхши» баҳоларга жавоб беришди».

Ҳақиқаттан, ҳам улар мавзу юзасидан баъзи билимларга эга бўлишганлигини (чунки улар 5-синфда «Тарихдан ҳикоялар» дан «Спитамен қўзғолони» билан танишишган) айтиш билан баробарида бундай интерфаол усуллар орқали уларга нотаниш мавзуларни ҳам ўрганиш имконияти катта эканлиги таъкидлаб ўтилди.



6-синфда “Салавийлар давлати” мавзуси бўйича ўтилган очик дарс худди шу машғулотнинг давоми сифатида ўқувчиларнинг билишга бўлган фаол интилишларини рағбатлантира олди десак, муболаға бўлмайди.

Дарс ўқитувчининг кириш сўзи билан бошланиб, машғулот уч босқичда (Даъват, Англаш, Фикрлаш) амалга оширилиши айтиб ўтилди. Бу уч босқични амалга ошириш учун **Б-Б-Б** (биламан – билмоқчиман – билиб олдим) чизмаси белгиланди.

Даъват босқичида ўқитувчи ўқувчиларни чорлаб олиш ҳамда ўтилган мавзунинг эсга тушириш мақсадида Б-Б-Б чизмасининг «**биламан**» босқичи амалга оширилди. Доскага чизма осиб қўйилиши билан ҳар бир ўқувчига чизма тасвирланган қоғоз ҳам тарқатилди. Шундан сўнг ўқувчилардан чизманинг биринчи устунини тўлдириш сўралди. Улар «Спитамен кузғолони» ҳақида нималарни билиб олганликларини ёзишди. Улар орасидан бир ўқувчи бу ишни доскага қуйидагича бажарди:

Нималарни биламиз?

1) мил. ав. 329-йилда Македониялик Александр кўшинлари Мароқандани эгаллаганлигини;

2) Сўғдиёна халқининг босқинчиларга қарши кураш бошлаганлигини;

3) кўзғолонга Спитамен бошчилик қилганини;

4) Политимет (Зарафшон) дарёси бўйида Спитамен Македониялик Александр кўшинларини қириб ташлаганлигини;

5) мил. ав. 328-йили кузида Спитаменнинг Александр билан ҳал қилувчи жанги бўлиб ўтганлигини;

6) Александрнинг Ўрта Осиё ерларини босиб олиш учун уч йил ўринганлигини;

7) Марғиёна, Бактрия, Сўғдиана ва ҳозирги Хўжанд ва Бекободдан иборат Сирдарё бўйларигина қўлга киритганлигини;

8) Хоразм, Тошкент воҳаси ва Фарғона мустақиллигини сақлаб қолган;

9) Македониялик Александр Ўрта Осиёда 12 та шаҳар қурдирган.

Биринчи босқичда ўн минут ажратилганлиги боис, ўқувчилар беш минут давомида ёзганларидан сўнг ишни бажаришни тўхтатишлари сўралди. Қолган беш минутда эса улардан айримлари ўз ёзганларини ўқиб беришди. Қолганлар эса айтилмай қолган маълумотларни тўлдириб боришди.

Англаш босқичида ўқитувчи ўқувчилардан дастлаб Македониялик Александр ҳақида яна «нималарни билмоқчи» эканликларига эътибор қаратиб, улардан иккинчи устунни тезда тўлдиришни сўради. Бу босқичда ҳам бир ўқувчи вазифани доскадаги ватман қоғозга ёзиб борди:

- Нималарни билмоқчимиз?

- 1) Македониялик Александр қачон вафот етган?
- 2) унинг вафотидан сўнг у яратган давлат сакланиб қолганми ёки йўқми?
- 3) Александрдан сўнг Ўрта Осиёни ким эгалладан?
- 4) бу пайтда кимлар Ўрта Осиёда ҳукмдорлик қилишган?
- 5) маданият соҳасида қандай ишлар амалга оширилган?

Уч минутдан сўнг ёзишни тўхтатишди ҳамда биринчи босқичда ўз ёзганларини ўқиб бермаган ўқувчилардан баъзилари «нималарни билмоқчи» эканликларини баён этишди. Қолган ўқувчилар эса ўз фикрларини қўшимча қилишди.

Сўнг ўқитувчининг ўзи мавзунини ўн икки минут давомида қисқа ва аниқ баён этди.

Фикрлаш босқичида ўқитувчи ўзи баён этган маълумотлари асосида ўқувчилар «нималарни эслаб қолишган» бўлса, беш минут давомида шуларни учинчи устунга ёзишларини сўради. Икала босқичдаги каби бу босқичда ҳам бир ўқувчи топшириқни доскага ватман қоғозига бажарди:

- Нималарни билиб олдик?

- 1) мил. ав. 323-йил июнда Македониялик Александр вафот етди;
- 2) у яратган давлат уч қисмга: Македония, Миср, Сурияга бўлиниб кетди;

3) мил. ав. 312-йилда Македониялик Александрнинг лашкарбошиларидан бири Салавка Бобил (Месопотамия) давлати хукмдори бўлди;

4) Салавка давлати таркибига Месопотамия, Эрон, Парфия, Бактрия, Сўғдиёна, Марғиёна кирган;

5) мил. ав. 293 йилда Салавка шарқий вилоятлар ноибни етиб ўғли Антиохни тайинлайди;

6) мил. ав. 280 йилда Салавка вафотидан сўнг Антиох мамлакатни 20 йилча бошқарди;

7) юнон-македон истилоларидан сўнг Ўрта Осиё вилоятлари тарихида антик ёки эллинистик давр бошланди.

Вақт ниҳоясига етгач, ўқувчилар ёзишни тўхтатишди. Ўз бажарган ишларини икки босқичда ҳам ўқиб бермаганлардан «нималарни билиб олганликлари» сўралди. Қолган барча ўқувчилар ўзларининг фикрларини ҳам айтиб ўтишди.

Дарс ниҳоясига етиб бораётганлигини ҳисобга олиб ўқитувчи дарс юзасидан чиқарилган хулосани ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди.

Дарсда иштирок этган 26 та ўқувчидан 12 таси «5» баҳо, 14 таси «4» билан баҳоланади. Бундан ташқари уларнинг иштирокига қараб, «бугунги дарснинг энг фаол иштирокчиси», «энг яхши фикр эгаси», «энг тезкор ўқувчи» каби рағбатлантирувчи номлар берилди.

Дарс ҳар жиҳатдан яхши ташкил этилганлиги, энг муҳими, ўқувчиларнинг билиш фаоллигини фаоллаштириб мустақил фикрлашга чорлай олганлиги билан йиғилганлар олқишига сазовор бўлди. Чунки бир дарснинг ўзида ўқувчилар ҳам фикрладилар, уни ёзиб боришди ва оғзаки изҳор этишди ҳамда уларнинг билишга бўлган қизиқиши босқичма-босқич ўсиб борди.

Биз юқорида ўқувчиларнинг билиш фаоллигини оширишда муаммоли таълимнинг алоҳида ўринга эга эканлигини таъкидлаб ўтган эдик. 6-синфда

«Тарих дарсларида ўқувчиларга миллий истиқлол ғоясини сингдириш» мавзусида ўтказилган муаммоли дарс фикрларимизни тўла исботлади. Дарс бошланишидан бир ҳафта олдин ўқувчилар гуруҳларга бўлиниб, уларга ўз гуруҳи номларидан келиб чиқиб, муаммоли вазиятларни яратиб келиш уйга топшириқ қилиб берилди.

Дарс бошланиб, ўқувчиларни йўқлама қилиб бўлгач, синфдаги ўқувчиларни тўрт гуруҳга бўлиб олдик:

- 1 гуруҳ – «массагетлар»;
- 2 гуруҳ – «саклар»;
- 3 гуруҳ – «сўғдийлар»;
- 4 гуруҳ – «мустақиллик фарзандлари».

Сўнг гуруҳлар навбат билан ўзлари тайёрлаб келган муаммоли вазиятларни кўрсатиб беришларини сўрадик. Бунинг учун қуйидаги тартибда ҳаракатланиш лозимлигини келишиб олдик: биринчи гуруҳ муаммоли вазиятни юзага келтиради, иккинчи гуруҳ муаммони ечиш учун қўйилган саволларга жавоб топади, учинчи гуруҳ уларнинг фикрларига ўз муносабатини билдиради, тўртинчи гуруҳ учала гуруҳнинг фикрларини эшитиб, улардан хулоса чиқарадилар.

Одатдагидек, биринчи бўлиб массагетлар гуруҳи ўзлари тайёрлаб келган муаммоли вазиятни кичик сахна кўринишида намоиш этишди. Массагетлар маликаси Тўмарис хузурига Кир II нинг элчиси келади. У малика Тўмарисга Эрон шоҳи Кир II дан совчи бўлиб келганлигини билдиради. Бу гапни эшитиб жаҳли чиқиб кетган малика элчига қарата шундай дейди:

«Эй, элчи! Бориб шоҳинга айт, тинчгина ўз юртида ҳукмронлик қилсин. Агар шартимга кўнмаса, уни жангга таклиф этаман. Мард бўлса, жанг қилгани майдонга чиқсин!»

Массагетлар гуруҳи ўз муаммоли сахна кўринишини тугатгач, саклар гуруҳига шундай саволлар билан мурожаат қилдим:

«Саклар» гуруҳи аъзолари! Мана сиз ҳозир малика Тўмариснинг Кир II элчисига айтган сўзларини эшитдингиз. Нега Тўмарис элчига шундай жавоб берди? Тўмариснинг бу ҳаракатини қандай баҳолайсиз?

«Саклар» гуруҳи бир оз муаммоли саволлар устида бош қотиргач, ўз фикрларини баён этишди:

1- ўқувчи: Малика Тўмарис Кир II нинг хотини бўлишни хоҳламади.

2- ўқувчи: Менимча, малика Тўмарис ўзини эмас, халқини ўйлаб шундай жавоб берди.

3- ўқувчи: Ҳақиқаттан ҳам, Тўмарис ўта зийрак бўлиб, Кир II га ўзи эмас, давлати кераклигини дарҳол англаб етган эди.

4- ўқувчи: Тўмариснинг бу ҳаракатини эркакларга хос бўлган мардлик дея баҳолаш мумкин.

«Саклар» гуруҳи муаммо юзасидан ўз қарашларини умумлаштирган ҳолда унинг барча ҳаракатлари ватанининг равнақи учун қаратилган эди, деб хулоса қилишди.

Сўнг саклар гуруҳи ўзлари тайёрлаб келган сахна кўринишини намоиш этишди. Эрон шоҳи Доро I нинг саклар устига қўшин тортиб келаётгани ҳаммани бутунлай ўйлантириб қўйган эди. Шунда оқсоқоллар ҳузурига чўпон Широқ кириб келди. Оқсоқоллардан узр сўраб, уларга зарур бир иш билан келганини маълум қилди. Улар унинг сўзларига кулоқ тутишди: «Агар сизлар менинг шартимга рози бўлсангиз, бир ўзим бутун душманни қириб ташлайман». Оқсоқоллар унинг қандай қилиб душман қўшинларини қириб ташламоқчи эканлигини эшитишиб, сўнг унинг шартига рози бўлишди.

«Саклар»нинг сахна кўриниши ниҳоясига етгач, бу сафар «сўғдийлар» гуруҳига юзландик:

«Сўғдийлар гуруҳи! Сиз ҳозир кичик сахна кўринишида Широқнинг жасоратидан бир намуна кўрдингиз. Ўз-ўзидан савол туғилади: «Широқ бундай ҳаракати билан ўз ҳаётини хавф остига қўймадими? Сиз қандай ўйлайсиз, Широқ, бу ишни ўз авлодларини келажакда яхши яшашлари

учунми ёки халқ манфаатини ўйлаб амалга оширдими? Широқнинг жасорати ҳар қандай инсоннинг кўлидан келавермайди, шундай эмасми?

Сўғдийлар гуруҳи аъзолари узок баҳс – мунозарадан сўнг қуйидаги жавобларни беришди:

1- ўқувчи: Широқ бундай ҳаракати билан ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, уни, албатта ўлим кутишини биларди. Бироқ у шу ишни амалга оширишга аҳд қилди.

2- ўқувчи: Менинг назаримда, ҳақиқаттан ҳам, юрт тинчлиги учун у ўз ўлимини мардонавор кутиб олди. У душманни сувсиз саҳрога, яъни қуш ўчса қаноти, одам юрса оёғи қўядиган саҳрога бошлаб борганида, душман, аскарлари уни қийма-қийма қилиб ташлашларини сезиб, қаҳ-қаҳа отиб кулади: «Бир ўзим бутун бир бошли қўшинни енгдим».

3- ўқувчи: Бемалол айтиш мумкинки, Широқ бу ишни фақат ўз авлодларини келажакда яхши яшашларини ўйлаб эмас, бутун халқ манфаатини ўйлаб амалга оширди. Агар у фақат ўз авлодларининг келажagini ўйлаганда душман томонига ўтиб кетган бўлар эди.

4- ўқувчи: Широқнинг бу жасорати ҳамманинг ҳам кўлидан келавермайди. Бундай инсонлар ҳар доим ўзининг осуда ҳаётини юрт тинчлигидан паст қўя олади.

«Сўғдийлар жавоби «массагетлар» гуруҳи томонидан маъқулланди. Шунинг учун «сўғдийлар» гуруҳи ўзларининг саҳна кўринишларини «массагетлар» гуруҳи ва бутун синф эътиборига ҳавола этди. Унда сўғдийлар йўлбошчиси Спитамен саҳнага чиқиб бутун сўғдийларга қарата шундай деди: «Эй, сўғд халқи! Менинг сўзларимни диққат билан тингланг Агар фаровон ҳаёт кечиришни хоҳласангиз юнон-македон қўшинларини мамлакатдан қувиб чиқариш лозим. Кимки, фарзандларини тинч-тотув ҳаёт кечиришини ўйласа, мен билан бирга жангга отлансин».

Шундан сўнг «массагетлар» гуруҳига ҳам бир нечта саволлар билан мурожаат этдим:

- Айтингчи, Спитаменнинг халқнинг олдига чиқиб бундай сўзларни айтишдан мақсади нима эди? Қандай муштараклик уларни биргаликда юнон-македонларга қарши жангга бошлади?

«Массагетлар» гуруҳи вакиллари фикрларини бир жойга тўплаб тезда жавоб қайтаришди:

1- ўқувчи: Спитаменнинг бу сўзларни айтишдан мақсади ўзи айтиб ўтганидай халқ фаровонлигига хизмат қилади.

2- ўқувчи: Македониялик Искандар бошчилигидаги юнон-македонларнинг маҳаллий аҳолига турли солиқлар солиши, туб ерли аҳолининг маданиятини (масалан, зардуштийлик динининг муқаддас китоби – «Авесто»ни) йўқ қилишга уриниши уларни бир тану бир жон бўлиб ҳаракатланишига сабаб бўлди.

3- ўқувчи: Спитамен ҳаётининг сўнгги дамларига қадар халқини ўйлади. Унинг бу жасоратига ҳатто Искандарнинг ўзи ҳам тан берган эди.

«Массагетлар» гуруҳи аъзолари анна шу тарзда ўз муносабатларини билдирдилар. Уларнинг берилган саволлар юзасидан айтган барча фикрлари саклар гуруҳи томонидан тасдиқланди.

Дарс шу ерга келганда ўқувчилар эътиборини компьютер экранига қаратдим. Экранда Ўзбекистоннинг мустақиллигини ифода этиб турувчи байроқ, герб, мадҳия, Конституция рангли тасвирларда намоён бўлди. Бу эса мажозий маъно касб этиб навбат «мустақиллик фарзандлари» гуруҳига етиб келганлигини билдириб турарди. «Мустақиллик фарзандлари» гуруҳи массагетлар, саклар, сўгдийлар яратган муаммолар ва ушбу муаммолар юзасидан берган жавобларидан келиб чиқиб якуний хулосалар чиқардилар ва ҳозирги замон билан боғлашга ҳаракат қилдилар.

1- ўқувчи: мени малика Тўмариснинг жасурлиги лол қолдирди. У юқоридаги сўзларида оқила давлат арбоби, ватан равнақи учун фидойилик кўрсатган инсон, вафодор аёл, меҳрибон она тимсолида гавдаланади.

2- ўқувчи: Мустақил Ўзбекистонимизда ҳам малика Тўмарис сингари оқила аёлларимз жуда ҳам кўп. Улар жамиятимизнинг турли жабҳаларида ватан равнақи йўлида астойдил хизмат қилиш билан бирга, баркамол авлодни тарбиялашда катта ҳисса қўшмоқдалар.

3- ўқувчи: Широқнинг довураклиги менга «Юртим тинч – мен тинч» деган нақлни яна бир эслатиб қўйди.

4- ўқувчи: биз ҳақиқатдан Широқ сингари жасур инсонларнинг авлодимиз. Шу сабабли бугун ҳар бир фуқаро – кичкина боладан тортиб кекса чолгача юртни тинчлигини қадрига етиш, уни асраб – авайлаш муқаддас бурч эканлигини бир зум ҳам эсдан чиқарганлари йўқ.

5- ўқувчи: Спитаменга хос билимдонлик, узоқни кўра олиш, тезкорлик уни халқ фаровонлиги йўлида мардонавор курашга чорлади. Шу сабабли уни фидойий инсон дейиш мумкин.

6 ўқувчи: Спитаменнинг сўзларини эшитиб юртбошимизнинг бугунги халқ фаровонлиги йўлида олиб бораётган ислохотлари ҳаёлимда гавдаланди. У кишининг халқимиз, айниқса биз ёшлар учун кўйиб – пишишларини ўзини ҳам жасорат, қаҳрамонликнинг энг яхши намунаси дейиш мумкин.

«Мустақиллик» гуруҳи аъзоларининг фикрларини эшитар эканман, қалбим жунбушга келди. Шу пайтнинг ўзида ўқувчиларнинг билиш фаоллигини оширишда муаммоли таълимнинг ўрни ниҳоятда катта эканлигига амин бўлдим.

Вақт охирлаб бораётганини ҳисобга олиб дарсга қуйидагича яқун ясадим: «Азиз ўқувчилар! Бемалол айтишим мумкинки, сизлар ўз вазифангизни аъло даражада бажардингиз. Ўзингиз муаммоли вазиятларни ҳосил қилдингиз, уларга жавоблар излаб топдингиз, сўнг аجدодларимизни бирлаштириб турган мақсадларни бугунги кун билан боғлаб, миллий истиқлол ғоямизнинг асосий тушунчалари бўлган – ватан равнақи юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби ғояларни юзага келтирддингиз. Ана шу сабабли биз сизга ишонамиз. Сиз эса бизнинг ишончимизни тўла оқлайсиз.

Алк ўғонлар ўлкаси бу Ўзбекистон,
 Эркили элнинг қанотлари, илм истанг!
 Ярим жаҳон бунёд этган Соҳибқирон
 Алишернинг авлодлари, илм истанг!»

Дарс сўнгида «котиба» қиз (ўқувчилар орасидан) гуруҳларнинг муаммоли вазиятларни ярата олиш, уларнинг тўғри ечимини топа олиш ва бошқа шу каби мезонлар асосида тўплаган якуний балларини эълон қилди.

Уйга вазифа қилиб эса машғулоти асосида муаммоли вазиятлар бўйича ўз фикрларини «эркин ёзиш» топширилди.

Тажриба дарсларини ўқиб кўриб сизда фикр пайдо бўлиши мумкин: «Бошқа қўлланмалардаги кўпчилик дарслар сингари булар ҳам, хонада ўтириб ёзилган муаллифларнинг тасаввурларидан бошқа нарса бўлмаса керак!»

Бундай дейишга бир оз шошилманг! Сиз ҳам ўз дарсингизда ушбу методлардан фойдалансангиз, уларнинг қанчалар ҳақиқат жанлигига тўла ишонч ҳосил қиласиз. Бунга эса, шак-шубҳа йўқдир!

ХУЛОСА

Юқорида кўриб гувоҳи бўлганимиздек, ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш:

- биринчи навбатда, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳамда “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури” нинг амалга ошишининг асоси бўлиб хизмат қилади. Чунки ушбу ҳужжатларнинг барчасида ДТСга қўйилган талаблар мактабда ҳаммани бирдай белгиланган билимни олишини мақсад қилиб қўяди. Бунга эса, ўқувчиларнинг билиш фаоллигини мунтазам фаоллаштириш орқали эришиш мумкин;

- иккинчи навбатида истиқлолга эришган кунимиздан бошлаб миллий мафкурамизни, жамиятимизнинг миллий ғоясини ёшлар онгига синдириш масаласи долзарб бўлиб келмоқда. Билиш фаолиятини фаоллаштириш орқалигини миллий истиқлол ғоясини инсонлар онги ва шуурига тезда сингдириш мумкинлигини биз ўз тажрибамизда кўрсатиб бердик;

- учинчидан, илмнинг барча соҳаларида ахборотлар селдек оқиб келаётган ҳозирги даврда табиийки, ўқувчиларда уларни билишга эҳтиёж ортиб боради. Билиш фаолиятини фаоллаштириш орқали эса ўқувчиларда мустақил фикрлаш малакаси ҳосил бўлади. Яъни ўқувчилар мазкур ахборотларни ҳар томонлама таҳлил қилиб, ўзлари учун фойдали бўлганларинигина ажратиб олишга ўрганадилар;

- тўртинчидан, таълим жараёнида энг аввало, ўқувчиларда билишга қизиқиш уйғотилади. Билишга бўлган қизиқиш ўқувчиларни дарсликдаги маълумотлар билан чекланиб қолмай, қўшимча адабиётларни ўқиб – ўрганишга ўргатади. Бугун мактабларимизда асосий муаммо, ўқувчиларни мунтазам қўшимча адабиётларни ўқимаётганлигидир. Демак, ўқувчиларни билишга бўлган қизиқиши ушбу муаммога ечим бўла олади.

Фикрларимиз сўнгида шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш бирданига шаклланиб қолмайди. Бу фаол жараён (маҳсул эмас!) бўлиб, вақт, диққат – эътибор ва иродани талаб қилади. Қолаверса, бу маълум ёш даврида тугалланиши ва унутилиши мумкин бўлган масала ҳам эмас. Инсон кичиклигидан то умрининг охирига қадар ҳаётни теранроқ билишга, идрок этишга интилиб бораверади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Тошкент, 2003.
2. Аристова Л.П. Активность умения школьников. – Минск, 1975.
3. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1998.
4. Вагин А.А. Методика преподавания истории в средней школе. – М.: Просвещение, 1968.
5. Венгер В., Поу П. Неужели я гений? – Спб.: Питер-Пресс, 1997.
6. Гельвецкий К.А. О человеке. – М., 1938.
7. Данилов М.А. Процесс обучения.// Основы дидактики./ Под ред. Б.П.Есипова. – М., 1967.
8. Дьяченко В.К. Организация структуры учебного процесса и его развития. – М.: Просвещение, 1979.
9. Есипов Б.П. Самостоятельная работа учащихся на уроке. – М., 1961.
10. Ёш даврлари ва педагогик психология. – Тошкент, 2001.
11. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкурasi халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
12. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: Танио, 1989.
13. Куписевич У. Основы общей дидактики./ Пер. с польск. О.В.Долженко. – М., 1968.
14. Lipman Matyew Philosophy goes to school. – Philadelphia: Temple University Press, 1988.
15. Махмутов М.И. Проблемное обучение. – М.: Педагогика, 1975.
16. Matyew Gareth. Philosophy and the young child. – Cambridge: Harvard Temple University Press, 1988.

17. Педагогические технологии: понятия, принципы и методы внедрения: Сборник материалов из Интернета./ Сост. С.Махкамова. – Ташкент, 2003.
18. Современный словарь по педагогике. – Минск, 2001.
19. Туленов Ж. Фалсафа. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994.
20. Тллашев Х. Общепедагогические и дидактические идеи ученых-энциклопедистов Ближнего и Среднего Востока эпохи средневековья. – Ташкент: Фан, 1989.
21. Управление познавательной деятельностью учащихся./ Под ред. П.Я.Гальперина и Н.Ф.Талызиной. – М.: МГУ, 1972.
22. Философский словарь./ Под ред. И.Т.Фролова. – М.: Политиздат, 1987.
23. Харламов И.Ф. Педагогика: Учебник. – Минск: Университэцкае, 1998.
24. Харламов И.Ф. Как активизировать учение школьников. – Минск: Народная асвета, 1975.
25. Щукина Г.И. Проблема познавательного интереса в педагогике. – М.: Педагогика, 1971.
26. Щукина Г.И. Активизация познавательной деятельности учащихся в учебном процессе: Книга для учителя. – М.: Просвещение, 1979.
27. Энциклопедия педагогических технологий. – Санкт-Петербург: КАРО, 2005.